



ДЕБОЧА

Шукр этаман, шукр ширин хол учун,
Ушбу улуг даврада икбол учун.
Хур бу замон васфида ойу йилим,
Мадхин адо этгали ожиз тилим.
Чунки мен ўтмишни кичик шохиди,
Балки варақларда ракам шохиди.
Эрди у кун бир алами игнадан,
Ўтган, азоб игнаси хар сийнадан.
Кай куни нур сочди ёруғ офтоб,
Тутди вафо байрогини инкилоб,
Дилга-ю элга улашиб тенг ҳуқуқ,
Меҳнату фикрга бериб кенг ҳуқуқ,
Бўлди муяссар бу фаровон ҳаёт,
Бахт самосида ёзиб кенг канот.
Мен ҳам олиб эрк нуридан, онг, шуур,
Етди ҳаётимга халоват, ҳузур.
Бўлмади Фуркатга бу даврон насиб,
Кетди надоматда Муқимий гариб
Завкий замон кохишидан доғ бўлиб,
Рохатидан кулфати кўпроғ бўлиб,
Келди етиб яхши бу кунларга, лек-
Кўймади жаллод ёвузлар тирик.
Она сутин тотдим, отам тузларин,
Амрига бўйсундим, олиб сўзларин.
Вояга етдим, ўқидим мен савод-
Бўлди газал машкию, гох касб ёд.
Тушди хавас гулгуласи калб аро,
Гулгула эрмасди у чин муддао.
Гохи фикр чўккисига етгудек,
Гохи бўлур жон узилиб кетгудек,
Гохида туткизмаса мисра учун,
Кўрсатади шунда табиат кучин.
Баъзи дамнинг файзи кишинг ёз килур,
Баъзида илхом париси ноз килур.

Ким ўзича топди камолот денг,
Минди-ю майдонда чопар от денг.
Билгучи узтоз керак, жон керак,
Жон билими, унга шу дармон керак.
Кимнинг эса шугли ширин бир китоб,
Унда сухан гавхаридир бехисоб.
Кимнинг агар бўлса бисоти гариб,
Пахта солур хар куни бир агдариб,
Мехр кўяр касбига кимки бу дам,
Зойи кўярму хунар ихлоси хам.
Касбу камолоти-ла ким бор экан,
Бахт унга хамдам, абадий ёр экан.
Канчаки ёзсанг бу кўнгил ёзилур,
Худди киш айёми кетиб ёз бўлур.
Канча нихол богига богбон экар,
Мехнат этиб мевасига кўз тикар.
Жондек авайлаб, пишириб, соз этиб,
Хосилидан элни сарафроз этиб,
Асраб илингай кетириб хонига,
Таъми ширин мевани мехмонига.
Ишласа гайрат ила дехкон агар,
Донаси дурдона бўлур бехатар.
Ахли каламларни миришкори хам,
Мехнати-ла сафхага чеккай ракам.
Гул терибон наср гулистонидан,
Назм килурлар тўла имконида.
Дил тубидан маъни мукаррар сочар,
Насрида хам назмида гавхар сочар.
Хар ка-ю ижодчи хунарда бўлак,
У бири атлас тўкигай, бу алак,
Бўз тўкиса, бирлари кимхоб тўкур,
Бири жуводдўз-ла кўлкоп тўкур.
Хар киши хам сепда бисотин ёзур,
Билса газал, билмаса отин ёзур.
Баъзиларин сўзи-ла сози ширин,
Баъзиларин созини ози ширин.
Баъзилари уста бузармон бўлур,
Баъзи бузармонни тузармон бўлур.
Косиб агар бурмаса киргогини,
Кадрига етгай ўриш-аркогини.
Мен демадим барчадан афзал ишим,
Бўлмади, афсус, мукамал ишим.
Бўлса-да юздан бири макбули ом,
Бахтли санардим мен ўзимни мудом
Топган ўзин ахлига гул келтирур,
Йўкса хижолатли кўнгил келтирур.

Хулласи: ким билганича соз этар,
Хар куш ўзин кифти-ла парвоз этар.
Бўлди ярим аср умр йўлдошим,
Дўстлик, ахиллик ила етмиш ёшим.

ГАЗАЛЛАР

МУРУВВАТ БИРЛА

Мурувват бирла, ёрим, йўкласанг бир васл богингга,
Каро зулфинг каби кўнглим куши ташлар оёгингга.
Муаттар сочларинг хар тори бир ошикнинг занжири,
Бири мафтун жамолингга, бири садка дудогингга.
Качонким бир бокиб гулдек висолинг шавкида ёндим,
Гизо истаб илинган куш каби тушдим тузогингга.
Якиндан билмасанг хам хаста холимни вафопарвар,
Узоқдан лоакал шафкат билан олгин кучогингга.
Мен ўлдим рашқдан, сен ноз ила этдинг йирок ўзни,
Адабданму якин келса лабинг холи ёногингга?
Губор олуда бир мўй тори зулфингдан йирок ўлсин,
Тарарда эҳтиёт бўл, тегмасин олтин тарогингга,
Вужудим куйса не тонг, Чарх уриб парвонадек хар дам,
Кўнгил талпинса нетсун, нозанин, хусни чирогингга?

ЧОЙ ТУТДИ БИР ПИЁЛА

Ошик эсанг жахонда, чекма аламли нола,
Чунки аламли нола колдирмасин увола.
Гул сайри гул аролаб юрган эдим чаманда,
Кўз кўрди, вола бўлдим бир хусни бемисола.
Кўнгилда изтиробим ошди яна кўрай деб,
Дарё каби хаёлим мавж урди чун шалола.
Бахтим кулиб бериб у бир лахза ёнидан жой,
Буркаб юзин хаё дан, чой тутди бир пиёла.
Айтдим: "Каю чаманнинг энг тоза бир гулисан,
Ўхшар кадинг нихола, икки кошинг хилола".
Айтдики: "Мен хазонсиз саодат юлдизиман,
Фаслида гул очилгай, сўнгра етар завола."
Этди кўнгилни мафтун бу маънавий жамоли,
Хай-хай, на хуш такаллум, одоби яхши бола.
Икболу бахтин ўйлаб кўнгил хазинасидан
Яхши тилакларим бор иффатли ойжамола.
"Тут дилда, - деди, - пинхон ишку мухаббатингни"
Чархий, надур жавобинг бундай ширин савола?

КЎНГЛИМ ЯКИН

Кўнгил якин нигорим, аммо ўзим узоқда,
Келмас кўзимга уйку хар кеча иштиёқда.

Агёра бўлма мойил, бўлгил сўзимга койил,
Ахдингни килма зойил, ташлаб мени йирокда.
Жон эрди реша-реша, килдинг карамни пеша,
Икки кўзим хамиша парвонадек чирокда.
Кўрсат юзингни барно, хуснинг килай тамошо,
Кош ўсма кўйса, аммо соч дардидур тарокда.
Ёримнинг ишвасидан, нозу карашмасидан,
Келмокка ваъдасидан огзим бу кун кулокда.
Чархий мисоли булбул шайдоси бир кизил гул,
Минг марта арзимасму айланса ушбу богда.
1951 йил.

ГУЛ ДАСТА-ДАСТА

Каддинг, эй нозанин, гулдаста-даста,
Жамолинг кўргали олам хавасда.
Бинафша кокилинг бўйига шайдо,
Санубар кадду шамшодингга баста.
Ярашган комати зеболарингга
Таралган кора сочинг раста-раста.
Жавохирму тишинг ё дурру гавхар,
Таманнойи лабинг Руму Адасда.
Мени кўнглум сени ёдинг-ла хурсанд,
Ракиб ахли итобингдин шикаста.
Чаман булбуллари ёдингда сайраб,
Сени деб колмагай кумри кафасда.
Мухаббат оташи хар кимда бўлмас,
Бўлур Мажнун каби Лайлипарастда.
Качонким Чархий васлингдан ичиб май,
Эрурман то бу дам масту аластда.
1927 йил.

ИШК ДАРГОХИДА МАКБУЛ

Бир нафаслик тинч хаётим энг улуг фурсат менга,
Хар минут завки-кувончим, бахт хар соат менга.
Ёр сочидек узун тунларда хобим ким десун,
Васл окшомида кўз юммак эмас рохат менга.
Ёридан кувланди бўлганлар, менга.келманг якин,
Ишк даргохида макбул-дард эли улфат менга.
Фитнадан, олу да ишрат богидан йўк хосилим,
Богу рогимдир-тикансиз гул-ширин сухбат менга,
Жисми жон торожига етганда нафснинг лашкари,
Кудратим калкони тўсса, етмагай захмат менга.
Хар нечук нокасга харгиз гарданам хам бўлмагай,
Чунки бу таълимни ўргатган халол мехнат менга.

Филдимог айши-ла хурсандлардин олмасман сабок,
Тинчимас мехнатда ботир-мўр хам ибрат менга,
Эл назаргохидан айрилмок эрур кўп хорлик,
Яхшиларнинг даврасида бўлмогим-давлат менга.
Чарх гардундан баланддир химматим меърожи хам,
Кахрамон халкимни шону шухрати шухрат менга.

МУНОСИБ

Кўнгил ганжасига жон муносиб,
Эрур хар жонга бир жонон муносиб.
Хаёлим мотама хижронда колмиш,
Нажот истарга сен-султон муносиб.
Хиром этганда зебо коматига,
Мухаббат шавки-ла жавлон муносиб.
Демасман рози дил ифшо этурга,
Кеса бедард, беунвон муносиб.
Талаб этса муродни ошик ахли,
Мурувват ахлидан эхсон муносиб.
Кўнгил сандукида кўпдур хаваслар,
Баён айларга бир девон муносиб.
Десалар муниси Чархий бўлурга,
Фасохат бобида Даврон муносиб.

ЭЙ ЮЗИ НУР

Эй юзи нур силсилаи офтоб,
Эй кўзи хуммор, лаби шаходноб,
Кайси чаман гуллари сендек харир?
Кайси пари сен каби олижаноб?
Неча санамларки юзинг шавкида
Кўрмок учун багри бўлибдир каоб.
Сўзга кетир лабни табассум билан,
Тортмасин ортикча дилим изтироб.
Танга етургай янги жон бокишинг,
Ташлама мехрингга жафодан хижоб.
Не десам андин яна сен яхширок,
Сенсан умидим ёритур мохитоб.
Кахр ила синдирма кўнгил кўзгусин,
Ўз уйини хеч киши килмас хароб.
Харна дединг арз ила, ул нозанин,
Чархий, саволингга берурми жавоб.
1969 йил.

ЁШЛИК

Эсизки, ёшлик ўтиб, сочларимга тушди киров,
Йигитлик авжи кетиб кексаликда колди синов.
Йирок-йирокка бокиб кўзларим тўюб-тўймай,
Узок-узок сафарим отига урилди жилов.
Киморхона ишк ичра неча йил юрдум,
Кўнгил олур кишига жону дилни тикдим дов.
Гаюр ирода тифли йўлимда хар агёр,
Куюб ўзин ўтида махв бўлди бир неча ёв.
Гахи дилимда мухаббат алангаси тутошиб,
Не сўз демайки, фигоним тўсолмади хеч гов.
Биров бокиб менга холис силарди пешонам,
Бировга чин сўзим айтсам, тилимга солди гаров.
Улуглар олдида одоб билан эдим хомуш,
Биров деди бу на одам, биров деди бу соков.
Мадад тилаб неча устозларимни хизматида,
Сакол шупурги ва икки кўлим бўлурди косов,
Хаёт нашъасининг лаззати шу деб билдим,
Ямон согинмаса, жабр этмаса бировгв биров.
Бу бир фасона, деманг, сўзларимни, фарзандлар
Гурури нафс ила солманг ширин умрга эгов.
Хамиша хуш, бу дамнингдур ганимат, эй Чархий,
Масалки, кексалик иллат, йигитлик умри олов.

ИСТАСАНГ

Иста дўстингнинг ризосин, чин кадрдон истасанг,
Жонни ол, ранжитма жонни, меҳрибон жон истасанг.
Ранжиган кўнгил биноти кайта бунёд бўлмагай,
Хору хасдан тоза кил, покиза бўстон истасанг.
Бир масал: шўра заминга сочма хосил тухмини,
Ернинг сен шўрини юв, бағридан дон истасанг.
Богласанг дил арзига ўз меҳрибон дилдоринга,
Жон кушин хар шох уза кўндирма, виждон истасанг.
Бўл чиройлигу ва лекин бевафолар хамдами,
Кунда юз жабру жафо, минг хил пушаймон истасанг.
Макрига алданма, нози юз пушаймон келтирур,
Мард эсанг кадрингни бил сен, ахду паймон истасанг.
Яхшиларнинг ёри Чархий, хаста диллар мархами –
Бўл жахонда то абад, номингга дoston истасанг.

ЧАШМИ ХУМОРИНГДАН СЕНИНГ

Мен ўргилай, эй нозанин, чашми хуморингдан сенинг,
Чашми хуморингдан сенинг, номуси орингдан сенинг.
Фикри хаёлим сен билан, ширин мақолим сен билан,
Олмайсан асло бир хабар, бу интизорингдан сенинг.

Сайрим висолинг богида, гул гунчасин япрогида,
Пайдо у нопаддолим, кўзгуда борингдан сенинг.
Ўйлаб сени паймонларим ёнимда юрган онларинг,
Кўнглим хамиша шод эрур, ахду карорингдан сенинг.
Бог ичра унган лоладан, лаълинг таманноси билан,
Касб айлади олий яшин, гул-гул узорингдан сенинг.
Гар тушда кўрсам коматинг, уйготмасин дерман сабо,
Касб айласам бўйи вафо, кулган бахорингдан сенинг.
Чархий висолинг богида, сайр этса гул япрогида,
Кўнглин куши ажралмагай ҳеч ихтиёрингдан сенинг.

ДАВРОНИМИЗ ОБОД

Янги йилимиз шавки билан хамма кўнгил шод, бўстониимиз обод,
Хар сафҳада хуш мазмун ила янгича ижод, достониимиз обод.
Нур сочди илм-маърифат, эл барча билимдон, мохир кизу ўғлон,
Дилдори ширин, ёри ширин бизнинг хур авлод, виждониимиз обод,
Бизнинг бу ватан халки ахил, бир тану бор жон, бир оила хар он,
Турмуш жуда хам созу фаровон, хамма озод, хар ониимиз обод.
Мехнатда, садокатда ватанпарвар элим бор, дилда не гамим бор,
Чўл сахни чаман, дашт эса бог, конимиз обод, майдониимиз обод.
Ўзгарди якин фурсатаро кўча, гузарлар, кишлогу шаҳарлар,
Гулзори гўзал, боги гўзал янгича бунёд, дехкониимиз обод,
Ер куррасидан айланиб оламини кезар нур фан мўъжизамиздир,
Душман куядир, дўстларимиз шод, гами барбод осмониимиз обод.
Республикаимиз то абадий маррага етсин, совгаси ок олтин,
Бу тухфа-Ватан тухфаси, ўлманг бари шерзод, хирмониимиз обод.
Хар миллат ўзин эрки-ла ўз тўйида куйлар, тўй устига тўйлар.
Мехмонисиз уй тўрида, мезбон эса дилшод, хонамиз обод.
Дўстлар, кўтаринг дўстлигимиз аҳди учун жом, етди улуг айём,
Янги тилагу, орзу-хавасларни килиб ёд, даврониимиз обод.

ШАРМУ

Яхшиларнинг хоки пойидур кўзумга тўтиё,
Боксалар шояд менга хам марҳаматдин бир киё.
Хушсухан хозик даволар сўз билан беморини,
Дору бўлгандек синик хар устухонга мўмиё.
Сўзи жонпарвар, адолатпеша дўстлар ўлмасин,
Бегараз, беноз, беминнат вужуди кимиё.
Бахраманд бўлмоқлигимни боиси хам шундаким,
Чун улар симойи рухафзо, чароги пурзиё.
Халкга манзур, фикри макбул мухтарам инсон деган
Бўлмагай кўнглида иллат, кору борида риё.
Кўнмагай хосилга ер, дилдан губорин ювмасанг,
Унмагай ҳеч шўр туфрог устида хидли гиёх.

Эй кўнгил, олий фазилат ахлидин файз истадинг,
Бўлма энди суратороларга харгиз махлиё,
Чархийё, ўзлукни махкам тут вафо майдонида,
Энг улуглик одамият шаънида шарму хаё.

МУХТОЖ

Кўнгил бир илтифоти ёра мухтож,
Ошиб шавкин ўти дилдора мухтож.
Бахор айёми булбул завк бирлан
Кўрай деб бир гули гулзора мухтож.
Качон ул гунча айлар деб табассум,
Тили лолу дили садпора мухтож.
Кўнгил кўзгусида васлин умиди,
Яна мен ул кўзи хуммора мухтож.
Кўзи бемори муштоки мен, ул хам
Мени бемора бўлса зора мухтож.
Ёмон кўздан хамиша саклагай деб,
Хаёли бирла мен овора мухтож.
На хикмат ишк даргохида, Чархий,
Хамиша ошики бечора мухтож.
1921 йил.

ГАРАЗ-МАРАЗ

Дунёда энг зарарли илондур гараз-мараз,
Инсон вабоси кўхна казондур гараз-мараз.
Минг тепки еб, сира ўзига келмаган кишин,
Бўгзигача фасод ила кондир гараз-мараз.
Бошин кашиб, бир озгина хасратни бошлагай,
Сўз боши-ю оёги тикандур гараз-мараз.
Гўнгиллашин биров деди ванг пашша сингари,
Ари десам , захарли забондур гараз-мараз.
Ё катта бир довонки, ишламокка жон керак,
Ирғиб чикарга анча осондур гараз-мараз.
Юз марта сув урилса, касам ургани шумиш,
Йўк-йўк, буринги эски пиёндур гараз-мараз.
Ракдек томирга ўрнагани ўрнаган кўринг,
Доим ўлик, тириги товондур гараз-мараз.
Гажжак килиб думини туриши, таъзими эмиш,
Тўккиз бўгинли худди чаёндир гараз-мараз.
Сичкон каби ялаб тузингиз, дардни юктирар,
Бу кўрнамакни сири нихондир, гараз-мараз,
Бир бегунохни макри тузокка илинтириб,
Жуфтак отиб кочишда куёндир гараз-мараз.
Ўк еб тўкайда, очу нахор топмайин тегин,

Гангиб келар хатарли кобондур гараз-мараз.
Мўлтони жодугар у гаразгўй ватангадо,
Бўхтончи, шармисор, фалондур гараз-мараз.
Шундай гаразли ёт кишилардан денг алхазар,
Лойга илаштирурга сомондур гараз-мараз.
1974 йил.

Гулшан бахор келиб яна наврўз олами,
Хар кўчаю гўзар юзи алвон махалламиз.
Хар ишда бир тафаккуру хамкору машварат
Эл дардига даво каби дармон махалламиз.
Чунки фасоду тухмату игвога йўк ўрин,
Мехнат мухаббати билан хандон махалламиз.
Эски удумни янгича одат билан тузиб
Янги ўрнида эскини дархон махалламиз.
Ортукча ошу нон заранг салла козилар
Исроф бу деб хўб айлади гумдон махалламиз.
Тўй-у азанинг сарфига хам чек кўйдилар
Минг офарин карори хар он махалламиз.
Юктирмай махаллага хеч гард, хеч губор
Ёш навкирон йигитлари посбон махалламиз.
Уйлар саришта ховлилар озода кам хашам
Озодаликда “Бог ила бўстон” махалламиз.
Ибрат олишса арзигулик хар махаллалар
Мезбон бу кунда эртага мехмон махалламиз.
Наврўз билан ясанди заминун замон бу кун
Наврўз билан тамом гулистон махалламиз.
Мен бор ютукни айтдимун ким камчиликни дер
Этмай кейинги кунда пушаймон махалламиз.
Дўстлар учун хамиша омонлик тилакларим,
Дўстлик туфайли бари газалхон махалламиз.
Гамхўр хамиша давлатимиз халкка мехрибон
Сал-пал мадад берилса гулистон махалламиз.

НАВОИЙГА

Эй, мухтарам устоз Навоий, дилу жонсиз,
Макбули, замонсиз.
Сиз кўзу кўнгилларга зиёбахш чу хуршид,
оламга аёнсиз.
Не хад менга ким таърифи ижодингиз этмок.
Тил лол, калам ожиз.
Сўз рамзи фасохатда, балогатда ажойиб,
Эл мехрига консиз.
Фарход кўриб кўзгуда Ширинни бар аъло,
Бўлмиш эди шайдо,

Сўз боли билан айлаган ушшокини ширин,
Чун аҳди забонсиз.
Мажнунга бериб меҳру садокатни камолин,
Кўрганда жамолин
Лайлига вафо расмини ўргатган, азизим,
Устоз, хар онсиз,
Кушлар тилидан завку сафо еткузиб, хай-хай,
Бечорага чора,
Зулм аҳлига айлаган, эй, хомаси шамшир,
Бир ўтли баёнсиз,
Тахсинлар ўқир назм ила насрингизга олам,
Койил хамма дунё,
Ижоди аруз силсилаи маънида якто,
Хуш таъбий равонсиз.
Орзуларингиз барчаси давримда мухайё,
Курдик янги дунё,
Дил тўрида ким сакланажак ёдингиз хар дам,
Эй, нур фишонсиз.
Чархий кўлидир, кўксида таъзим ила сизга.
Бу меҳр китобим,
Биз бирла мудом сиз абадий соғу омонсиз,
То бор жахон сиз.

МЕХНАТ – БАХТ

Бизда меҳнат бахт хам инсон азиз,
Чунки инсон калбида виждон азиз.
Яхши дехкон зое этмас хосилин,
Нобуд этмай йигса у дехкон азиз.
Ерга сочган ризк эрур бир дона дон,
Шул сабабдан дейдилар, бир дон азиз.
Парваришлар богини хар богбон,
Бир кўчат ундирса шу имкон азиз.
Сакласа кўз гавхаридек меҳр ила
Богининг тупрогини, богбон азиз.
Нозу неъматларни исроф этмаган
Хонадон аҳлида бўлгай нон азиз.
Турмаса ўз хаддида хар бир киши,
Бўлмагай мезбон учун меҳмон азиз.
Чархий, богингни тикандан саклагил,
Хорсиз гулшан азиз, даврон азиз.
1950 йил.

БАХОР ТАРОНАЛАРИ

Баҳор келди мавсумларнинг таннози,

Мехнат шавки билан хурсандлик ёзи.
Ёз тонгини кўринг субхи содикдек,
Тун зулмати кетиб, ортди баёзи.
Даричадан куёш нурын сочганда
Сўнар экан аста кишнинг аёзи.
Кушлар канотини ростлаб учмоқда,
Уясида тугаб берган пардози.
Водийларда хаёт кайнар булокдек,
Фазоларда фазогирлар парвози.
Бу чаманнинг файзи, сўлим хавоси,
Дўстлар ёри чин дилни дилнавози.
Парваришдан гуллар гулчи кўлида,
Турфа рангда жилва берар мижози.
Аввал сафда бинафша гул олур жой,
Сўнгра чикар сарву сумбуллар сози.
Бир каторда райхон этса намойиш,
Жамбул давоман деб ярашур нози.
Тогда юксак Ватанимга халкимнинг
Мехру мухаббату хурмат эъзози.
Бу мавсумни Чархий кадрин ўтказмай,
Гаштин сураб мехнат ахлин шаввози.

ДАВРИМИЗ

Давримиз даври кахрамон бўлди,
Хамма дилларда дoston бўлди.
Топди ўз кадрини бугун инсон,
Яъни хакконият аён бўлди.
Кўп асрли умидимиз тонгги,
Ёришиб янги бўстон бўлди.
Янги богларга янги сохибкор,
Янгидан-янги богбон бўлди.
Мўлу-кўл нозу неъмат алвон
Шира-ю шарбат ончунон бўлди.
Еру эл бахти тоабат бокий
Бехатар тарихий замон бўлди.
Какраган чўл юзи хаёт сувидан,
Гулу гавхар ўнар макон бўлди.
У кун ташналаб биёбонлар,
Бугун оби хаётга кон бўлди.
Энди кўхна харобалар ўрни
Хашаматли гул ошиён бўлди.
Улгайиб навкирон азиз ёшлар
Келажак йўлда карвон бўлди.
Тогни бир зарб ила килур талкон,
Шердил, мард пахлавон бўлди.

Янгидан-янги мўъжизоти билан
Шухрати авжи осмон бўлди.
Мехнат ахли бериб кўлин кўлга,
Бегараз дўсту жонажон бўлди.
Яна ҳам донгимиз жахон бўйлаб,
Довругин умри жовидон бўлди.
Махрум эрдик улуми фанлардан
Илм ўкиб хамма комрон бўлди.
У кун кўрмаган ота, ўгли
Бугун аллома-ю, замон бўлди.
Аччик-аччик замона захри сўниб,
Энди хамма ширин забон бўлди.
Ошиб ўлкам чиройи кундан-кун,
Хусни ойинайи жахон бўлди.
Чархий даврин хаёт тантанаси
Хамма элларда дoston бўлди.

ШУ ХУР ЗАМОН ТУФАЙЛИ

Дўстлар, сўзим камоли шу хур замон туфайли,
Бахтимнинг йўк заволи шу хур замон туфайли.
Дўст бирла эл хаёти, дўст бирла кенг каноти,
Дўст ахдин эҳтиёти шу хур замон туфайли.
Дўст мехридир бир олам, тинч оламу тинч одам,
Дўстлик кучи муаззам шу хур замон туфайли.
Дўст калби тоза гулшан, дўстлар чирोगи равшан,
Дўстлик сафи муайян шу хур замон туфайли.
Ёшлар бари билимдон, ёшлар юракка дармон,
Забтида еру осмон шу хур замон туфайли.
Озод элим аёли, нурлар сочар жамоли,
Мехнатда йўк мисоли шу хур замон туфайли.
Шухрат-ла навкиронлар, мехнатда қахрамонлар,
Хассос, ширин забонлар шу хур замон туфайли.
Богбонда нозу неъмат, дехконда зар зироат,
Мўл хосилу саховат шу хур замон туфайли.
Омборда донимиз хам, тандирда нонимиз хам,
Тинч танда жонимиз хам шу хур замон туфайли.
Чархий хамиша вола бу даври бемисола,
Йўк энди оху нола шу хур замон туфайли.

КУТЛУГ АНЖУМАН

(мушоира)

Жахонда донг таратиб ахли илму фан колади,
Азиз гулистон аро кутлуг анжуман колади.
Нафосат ахли ясатган гўзал Ватан ичра,
Лазиз хаёт беазаги гул очиб чаман колади.

Тамоми сафсаталар йўк булиб бу ер юзида,
Ширин хаёл ила хар бир ширин сухан қолади.
Элим мухаббати жумбуш урар юракларда,
Тилакда эзгу ниятла шукуху шаъи қолади.
Кезишда умри ўтиб ҳеч турарга жой топмай,
Ватан сотарлар агар ўлса бекафан қолади.
Адаб изидан ўзин ким чиқарса – у малъун,
На шумнинг номи колур, на сатанг чапан қолади.
Биров агар сенга котса захарли тил бирла сўз,
Асабларингга мудом санчилиб тикан қолади.
Синашда тизгин тузиб хуркишиб кочар отлар,
Улокни ёппа қилиб кишнаган саман қолади.
Амални пеша этиб ким отини камчиласа,
Тарак-турук арава ҳам чувук четан қолади.
Шифо сувин хўб ичиб, пайкал ичра хом кетма,
Ширинлик шаънин олиб, тилда калхасан¹ қолади.
Чапак-чапакка етиб, халк ўқир экан олқиш,
Шарафли даврага мос хар чевар, чечан қолади.
Гализ тарона, суюк сўз бари варақдан ўчиб
Юракда ўтли калом, тилда шўх ўлан қолади.
Қамоли фахри баланд Чархий ёнида Қомил,
Бу юртда уста-шогирд хурмати билан қолади.
1968 йил.

1-Қалхасан – қовун номи.

ЗАМОНА РАМЗИ

Хар бир рамз дилимдан дилга нишона рамзи
Хар бир қўнгил қўнгилни топса баҳона рамзи
Ёр сочиға қўйиб бош қим арзу холин айтур,
Бу нав мубталолик шамшод шона рамзи.
Гарчи навода булбул достон саролик айлар,
Гулда хақиқий мазмун, унда фасона рамзи.
Хар гулни иштиёқи бир ўзга олам эрса,
Хар парданинг навоси мунгли тарона рамзи
Нечун илинмасин қим жонлар қуши у гулга.
Хар бир табассум ичра бор дому дона рамзи.
Бог ошиёним ўлмиш бир умр ястанурман,
Завқу мухаббатим ҳам бу остона рамзи.
Чархий қаёнга боксанг, ёр аксини қўрурсан,
Хар дам висола элтар қутлуг замона рамзи.
1965 йил.

ИМКОН ҚАНИ

Ёр сенсиз турмоғим олам аро имкон қани,

Сен билан ўтган бу умрим ичра дей армон кани.
Арсаи оламини кездим кўрмадим бир мен каби
Хусн мулкида адолатли улуг султон кани.
Сен ўзингдур меҳрибоним, ўзга ёр даргохида
Хони лутфидан сочилган биз учун бир дон кани.
Кувватим, танга мадорим бир нафас ёд этмадинг,
Жисми зорим ўртанур бир лахзача дармон кани.
Дог этар кўксимни найлай гохи бепарволигинг
Йўкса сендек нозпарвар раҳм этар жонон кани.
Сендин ўзга ёр зулфин доми бору дони йўк,
Мендин ўзга сенга жонин хадя этган жон кани.
Мен каби куйингда бўлган ранги рўйи заъфарон
Сен каби кони малоҳат, юзлари ширмон кани.
Умрлар мендан бало тўфонида гам чекмаган
Асрлар калбимда сендек бир азиз меҳмон кани.
Чархийё, бўлма малул харгиз муҳаббат йўлида
Ишк тўғён урса афгон чекмаган инсон кани.
1927 йил.
Арсаи олам - ер юзи, бутун олам

ФАРГОНАЛИК ОГАЙНИ

Республикам мадори фаргоналик огайни,
Донгдори пахтакори фаргоналик огайни.
Ишлаб халол кўнгилдан гавхар ўнибди чўлдан,
Суръатни берма кўлдан фаргоналик огайни.
Раҳматга ёр сизлар чевар теримчи кизлар,
Жон бирла тенг бу кезлар фаргоналик огайни.
Майдонда нурли сийна, пахта терар машина,
Кўзларга гарди сурма фаргоналик огайни.
Техникамизни бори халкимизни дастёри,
Колхозчилар мадори фаргоналик огайни.
Бу йилги пахта хосил шаксиз план тўлар йил,
Айла ишингни койил фаргоналик огайни.
Имкон тамоми мавжуд хосилни жон билан тут,
Килма граммни нобуд фаргоналик огайни.
Пахта вужуди кимё, барк урди дашту-сахро,
Пахта Ватанга совго фаргоналик огайни.
Кайнар булоги хамда кайнарда пахта кайнар,
Яшнар чирой аъло фаргоналик огайни.
Хикмат булоги шундан кўнгил чироги шундан,
Каймоги, ёғи шундан фаргоналик огайни.
Гавхарни ерга тўкманг, хосил белини букманг,
Хушёр булинг, чўкманг фаргоналик огайни.
Хосил зари шу ердан, бахт гавхари шу ердан,
Ўнган бари шу ердан фаргоналик огайни.

Олтин тўкинг уйига, бош тўн пичинг бўйига,
Республикам тўйига фаргоналик огайни.

ЯХШИМИ ?

Фарзанд ўгилми, кизчами барноси яхшими?
Ёки билимда, хулқда зебоси яхшими?
Доно аклни танласа, нодон кезиб дегай:
Кўзинг хумори яхшими, шахлоси яхшими?
Албатта, хар кишига азиз нуридийдалар,
Хулкин бажоси яхшими, бежоси яхшими?
Мактабда интизомли бола яхширокми ё,
Беинтизоми, дангаса, расвоси яхшими?
Хар бир билимни, яъни икки йўл бахоси бор,
Икки бахоси яхшими, аълоси яхшими?
Бир киз тугилса исми талаш, ота-она дер:
Лайло тузукми ёки у Зухроси яхшими?
Хеч бир жарангли ном ила топмас шараф киши,
Номи улуг, юрак тўла игвоси яхшими?
Хаддан зиёд зеб бериш, ўйланг, дурустмикан?
Оддий либосу маънавий ороси яхшими?
Йўк бир хавасга интилиш орзуси кимда йўк:
Нася бехиш ми, нақд мухайёси яхшими?
Иш битгунча бикинда мудом баъи дўстлар,
Битгач, иши бикинга отар ёси яхшими?
Чархий, газали улфатинг эъзози созмидур,
Ёки хакикий дўстларинг ихлоси яхшими?

ДЎСТЛАРНИ КУТА-КУТА

Кутиб сиз азизлар, ковурилиб гўшт ёглар колди,
Такаллуфлар хувиллаб сурпада ўклоглар колди.
Хабар бир кимсадин етса, етарди бошим осмонга,
Пешайвон соганимча хангу-манг пештоқлар колди.
Ёзилганча шикоят айлабон сизларни дастурхон,
Огиз очганча писта, гулдираб ёнгоқлар колди.
Беш-олти катлама дарди билан бозор кезиб олган
Ажойиб дўлта чикмас бир чинни каймоқлар колди.
Нишони окибат эрди азизларнинг зиёрати,
Муқимий бирла Завкий, Нисбатий муштоқлар колди.
Бизнингдек “окибатли” дўстлар шаънига деб ёзган,
Навоий, Жомийлар мероси авроқлар колди.
Биров харна маломат этса, парвойи палақдурмен,
Ким айди у бурунги чин ўриш, аркоқлар колди.
Биров сувчига мунча ўрта ер кўлоб, деб айтмас,
Неча йилларки сувга ташналаб киргоқлар колди.
Кокилгандан ракиблар пўстагин бозори жўндамрок,

Сидирга нархи тушган пўстини яргоқлар колди.
Кўнгул бу мунтазирлик бирла бад килдинг, хато килдинг,
Ажабким, сен бўйин чўзган ўшал янтоғлар колди.
Муқимий декчасида меҳр ила ош дамлайин десам,
Козондан ёғ сачраб кўксим узра доғлар колди.
Узоқдан таъна этманг, Чархий, мажнунона ваъзинг деб,
Ародан кетди неча дўст биз ўртоқлар колди.
1970 йил.

ОЛАМ САОДАТИ

Нозик каддинг чиройи – бу гулшан латофати,
Оху кўзинг карашмаси олам саодати.
Очилди хар чаман гули хуснинг бахоридан,
Булбулни ҳам таронаси файзинг шарофати.
Кун кўзларингга волаю, ой ҳам юзингга доғ,
Кўз манзарига мунча яқиндир масофати?
Лутфинг чароги меҳр ила калбимга сочса нур,
Кахринг солур ракиб элига минг надомати.
Ёдинг юракка куввату, зикринг танимга жон,
Мамнун этар хамиша жамолинг зиёфати.
Чархий вафоли ёрингга жонингни кил нисор,
Маъшук иродасига тенг ошиқ итоати.
1930 йил.

СЕН ВАТАННИНГ КУЧ-МАДОРИ (набирамга)

Эй, Хафиз сенга саломим,
Бу салом дилпораси.
Сен фаровон гулшанимда
Чарх урар сайёраси.
Сен-элу юртим мадори,
Мен ҳам эл парвонаси.
Сен ватаннинг хизматида,
Мен-газал овораси.
Сен –чаманзоримда булбул,
Мен унинг богбонидир,
Мен сенга бобопадарман,
Сен кўзимнинг кораси.
Жону дил бирла Ватанга
Меҳр кўй, мардона бўл!
Жон болам, ҳеч бўлмасин
Калбингни зарра ёраси.
Зохиран кўздан узоксан
Эй кўзимнинг равшани.

Маънида аммо якиндир
Икки кўнгил ораси.
Соғ бўл, доим омон бўл,
Сен Ватанга посбон.
Чунки бу бахтли замоннинг
Сен бу гавхар пораси.

ТЎЙ

Тўй экан хаётнинг зебу зийнати,
Фаровон давримиз рамзи, хикмати.
Тўй шодлик хамиша, жамулжам дўстлар,
Хушчакчоғ хаётнинг шону шавкати.
Улгайсин, яшасин азиз фарзандлар,
Келажак меваси порлок кудрати.
Тугилган кунини нишонлаш яъни,
Умрни кадрлаш улуг фурсати.
Тўйимиз тўрига эй, азиз дўстлар,
Ташриф буюргайсиз таклиф хурмати.

ЯХШИ

Гар келса маком, сўзласа сўз хонаси яхши,
Хар хонанинг ўз кўзлари мастонаси яхши.
Бегона кўнгил шаъмининг атрофида юрма,
Бу хур ватаним шамъини парвонаси яхши.
Дил берма, умид этма сира нася вафога,
Сўз нақди хазинангдаги дурдонаси яхши.
Мен маст хаёт нашъасидан сокийи даврон,
Давримнинг азиз улфату майхонаси яхши.
Юрт тинч, элим шод, фаровон бу хаётинг,
Хар манзилининг янгича кошонаси яхши.
Ким ўсди, буюк тарбиядан топди шараф-шон,
Кимнинг боласи яхши, ота-онаси яхши.
Яхши хама жой, халки хусусан шинаванда,
Чархийга Кўкон, маркази Фаргонаси яхши.

МУХАББАТНОМА

Йўқдир армони кишининг бўлса сендек дилбари,
Меҳрибони ҳам вафодори, мурувватпарвари.
Фаслида боғу чаманни сайр этсанг, дилбарим,
Сочилур, кўйсанг кадам, гулшанда мушку анбари.
Тунлари хобимда, кундузлар кўзимда жилвагар
Доимо меҳринг сенинг кетмас хаёлимдан нари.
Кайфи хушмен, истамаймен бодаю майхонани,

Бода кайфидан буюкрокдир сўзингнинг шаккари.
Ишк водийсини дил сен рахнамосиз кезмагай,
Йўлдан озгай хар киши йўк бўлса ишкнинг рахбари.
1926 йил.

КИЁЛАБ ЎТДИ

Тонг чоги сарви нозим аста киёлаб ўтди,
Тушгач кўзи кўзимга таъзим бажолаб ўтди,
Таъзимига эгиб бош хурмат ишора килсам,
Мастана кўз учида шарму хаёлаб ўтди.
Сунбулни бўйи таркаб олам муаттар ўлди,
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди.
Кўз эрди интизори кўрмакка зор кўнгил,
Кўрсатди ой жамолин калбим жилолаб ўтди.
Дуч келса шум ракиблар, агёр бенасиблар
Кахру итоби бирлан багрин яролаб ўтди.
Бир зумда кўздан учди, гўё фалакни кучди,
Ё гул уни яширди, ёким хаволаб ўтди.
Ишк оламида, Чархий, сабрингга офарин деб,
Нозик табассум-ила ишким бахолаб ўтди.
1964 йил.

ШАЙДОСИ МЕН

Шайдоси мен орази чаманни,
Сен гунча мисол гулбаданни.
Ширин лабинг олдида нетарман,
Май шарбати, базми анжуманни
Инсон кўзи кўрмади сенингдек,
Бир кони хаё, ширин суханни.
Сахройи хижолат ичра кўйди,
Сочинг бўйи нофаи хўжанни.
Занжири мухаббатингдадирман,
Нозинг била кесма бу расанни.
Сенсиз, гўзалим, ёруг жахонда
Найлай бу азиз жону танни.
Даъвойи назокат айламас гул,
Кўргач сени-гунчапироханни.
Лутфинг билан энди сарфароз эт,
Чархий каби шоири Ватанни.

БАХТЛИ ИНСОН

Бахтли инсон шухрати оламда пинхон бўлмагай,
Яхшилардан юз ўгирган бахтли инсон бўлмагай.

Раста-раста гул билан юртинг чиройин соз кил,
Бахаё гул бўйини таркатма, бўстон бўлмагай.
Зийнати хуснинг эрур ахлоку одобинг сенинг,
Лоладан ранг карз олиб сангреза маржон бўлмагай.
Тарбият богида ўсдинг, улгайиб топдинг камол,
Парваришсиз богу сахролар углистон бўлмагай.
Бемашаккат ким кўрибдур муддао ойинасин,
Мехнатин то койил этмай марди майдон бўлмагай.
Чархийё ўз хадди мезонинг билиб кўйсанг кадам,
Офтоби толеъинг абр ичра пинхон бўлмагай.

НЕТАЙ

(Каровсиз колган чорва молларнинг ферма мудирлари устидан шикоят)

Чорва мудир киёси йўк, бокмаса бокмасин нетай,
Ваъдасига вафоси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
Ёзда яланг хаводамиз, чиллада кўп наводамиз,
Бу акамиз навоси йўк, бокмаса бокмасин нетай,
Игнача бир тешик эса, дер туядек совук ўтар,
Туйнугин интихоси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
Битта огилда кирк тешик, илма-тешик бори эшик,
Кишда иссик хавоси йўк, бокмаса бокмасин нетай,
Кийшайишиб у ён ўтар, илжайишиб буён ўтар,
Кўз оки бор, кароси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
Ёг ила гўшти индамай, ок сутимизнинг хурматин,
Оклаш учун ризоси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
Бир-биримиз ияклашиб, сув ичамиз кўмаклашиб,
Бизга тузук биноси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
Бизга ему силос кани? Бир хил алаф емак билан
Нечамиз иштахоси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
Ростига юрмаса киши, ваъдага бўлмаса вафо,
Ушбу касал давоси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
Хар тараф ўт, пеичан, алаф, ўр мени деб, турар караб,
Ўргали ё асоси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
Битган ишинг жилоси бор, битмаса бир балоси бор,
Дема казо-казоси йўк, бокмаса бокмасин нетай.
1963 й.

КЎКОН ЛОЙИ

Кимда касдинг бор Кўконда, хой лой,
Олти ой чанг бўлса, олти ой лой.
Йўкми имкон? Тош ташиб тўкса шагал
Ёгса ёмгир, кор эриб сой-сой лой.
Кўча нам тортмай туриб топсак илож,
Яхши бўлгай эрди, бўлмай жой лой.

Хўл ботинка остидан келган садо,
Шовкинидир карнаю сурнай, лой.
Бир бола лойдан ўтай, деб сакради,
Сип-силликдан туrolмас пой, лой.
Бир бола лойдан ўтай, деб сакради,
Тушди кўлдан бўлди нону, чой лой.
Колган ишга кор ёгар, деб бор макол,
Сўнгги йил келганда дер бой-бой лой.
Чархий, ким кўрса Мукикий кўчасин,
Дерлар, ахволингга юз минг вой лой.
1962 йил.

АРОКВОЙ

Ичма, давоси курсин бу хўл бало ароквой,
Инсоннинг офати-чун келган вабо ароквой.
Бир култум ибтидоси, йўк сўнгра интихоси,
Канча кўпайса нуксон, шунга ризо ароквой.
Хилватда сўфи ичгай, кимлар тўнини ечгай,
Алдаб балoга бошлар бу беибо ароквой.
Кўрсатса минг каромат зинхор ишонма, дўстим,
Бўлсин агар хизрдир ё авлиё, ароквой.
Салкинда соки айлар, офтобда коки айлар,
Гўшти шилиб суякдан этгай пано ароквой.
Дору деманг, бу-огу, лабга томизмайин сув,
Гассол уйини излар, этмай казо ароквой.
Кўздан олиб зиёни, юздан олиб хаёни,
Туткизмайин кўярму сенга асо ароквой.
“Зубровка”га огайни, “перцовка”га кариндош,
Коньякка кайни ила бўлмиш таго ароквой.
Чархий, хавоси курсин, кайфу сафоси курсин,
Ичма, давоси курсин, бу хўл бало ароквой.

ЁДЛАР ЗАМОН, МУКИКИЙ,

Озод Ватанда номинг ёдлар замон, Мукикий,
Тилга олиб каломинг ёдлар замон, Мукикий.
Ул давр ишчи-дехкон, мехнатда зору-нолон,
Деб куйладинг олиб жон, ёдлар замон, Мукикий.
Зулм ахлини килиб танг, танкидинг эрди найзанг,
Бу оташин сатиранг ёдлар замон, Мукикий.
Халкингга хикматингни, хажвингда журъатингни,
Хурмат билан хатингни ёдлар замон, Мукикий.
Бахтли замон йўл очиб, келди нуруни сочиб,
Дил дарди кетди кочиб, ёдлар замон, Мукикий.
Истаб бутун хакикат, чекдинг азоб ва мехнат

Энди етиб бу фаросат ёдлар замон, Мукимий.
Тун-кун зафар нишона, бизнинг замон-замона,
Шеъринг килиб тарона, ёдлар замон, Мукимий.
Озод элинг музаффар, орзуларинг муяссар,
Йиллар яна мукаррар ёдлар замон, Мукимий.
Фуркат кетиб кўйингда, Завкий ўтиб ўйингда,
Чархий бугун тўйингда, ёдлар замон, Мукимий.
1953 йил, сентябрь.

ЖОНАЖОН ЗАМОН ИЛА

Сиз навкирон кўнгилни гул очган бахорисиз,
Хар бир ширин баён ила Куддус Мухаммадий.
Сиз хамнафас хамиша бахорни хазони йўк,
Бу богу бўстон ила Куддус Мухаммадий.
Илму одобнинг сохибисиз, топдингиз камол,
Сиз жонажон замон ила Куддус Мухаммадий.
Кайнар юрак булогида шеър хокоянгиз,
Хаддин ширин забон ила Куддус Мухаммадий.
Файзу фазилат ила ясанган вужудингиз,
Топган кўп имтихон ила Куддус Мухаммадий.
Ошди неча довонни, яна бахс этар кучи,
Назми баланд довон ила Куддус Мухаммадий.
Ойнадин тиник бари шеър ифодангиз,
Колмас кўнгил гумон ила Куддус Мухаммадий.
Кайси кўнгилни олса сўзингиз нишонага,
Айлар кабул у жон ила Куддус Мухаммадий.
Ижодингизнинг равнаки топсин яна ривож,
Кўп яшнасин жaxon ила Куддус Мухаммадий!
Олтмиш бахорга тенг, яна олтмиш бахор кўшиб
Умр ўтказинг хаён ила Куддус Мухаммадий.
Бир камтарину таъби баланд, ваъзи хокисор,
Йўқдур иши фасон ила Куддус Мухаммадий.
Кенг даврамизни булбули, манзурисиз хар он,
Кўп киссаи дoston ила Куддус Мухаммадий.
Чархий тилар умид ила йиллар яна яшанг,
Согу сихат, омон ила Куддус Мухаммадий!

ЎРГИЛАЙ

Мушку анбар хидли сочи сунбулингдан ўргилай,
Хусни гулзорингда сайрар булбулингдан ўргилай.
Лола ранг эгнингда кўйлак, кирмизи бошда рўмол,
Таккан олтин соатинг дўндик кўлингдан ўргилай.
Тим кора стчингни белга ташлабон келсанг нетар,
Халка-халка икки хайлар кокилингдан ўргилай.

Мунча хам ширин забонинг, махликолар сарвари,
Танга чнги жон ато килган тилингдан ўргилай.
Сен кадам кўйдинг ўшал кун бўлди сахролар чаман,
Ранг-баранг богингда очилган гулингдан ўргилай.
Дўстлар кўрганда дерлар ёр манзилгохини,
Чархий, бу гулшанафзо манзилингдан ўргилай.
1926 йил.

ЯХШИ ТИЛАК

Яхши ният-ла муяссар бўлди хар яхши тилак,
Ранжимас, хеч кимни ранжитмас мусаффо хар юрак.
Дилга сайкал бер хамиша меҳнатинг шавки билан,
Киш губорин тор-мор этган каби олтун курак.
Жону жаҳдинг-ла билим ол маърифат бўстонидин,
Ёшлигинг кетгач надомат бирла колма бужмалак.
Ёз дамин ўткарса гафлат бирла дехкон окибат,
На уруг, на хосил олгай бонг уриб етса кузак.
Бериёзат рутбаи олийга интилмок надур,
Тут билан комат талашди, мевасиз колди терак.
Ўз-ўзингга, касби-корингга бахо бермакни кўй,
Зарни мисдан ажратур устод бир заргар керак.
Пилладек Чархий козонда хўб пишиб, хуш тола бер,
Бегашу белос чикаркан тоза тортилган ипак.

ДЎСТИМГА МАКТУБ

Собиро, саломингдан чехра соз эрур кўнгил,
Завкли паёмингдан сарафроз эрур кўнгил.
Офаринки, берган сен сўз ила сухан додин,
Яъни нутки томингдан шод боз эрур кўнгил.
Банд экан мухаббат кўп сенга, найлайн, дўстим,
Гохо эрса сендан шод, гох ароз эрур кўнгил.
Чунки каж хаёлимл-ла узлат ихтиёр этсам,
Гох асири бир шўх сарвиноз эрур кўнгил.
Умр агар вафо этса, шулки ниятим хар чок,
Дўстларим висоли ила бас дароз эрур кўнгил.
Гарчи мубталодирман кишвари мухаббатдан,
Лек комилдир имоним, покбоз эрур кўнгил.
Кеча махфилим равшан, кундуз офтобимдан,
Хар дамим чарогону дилнавоз эрур кўнгил.
Бош эгиш ўлим номард олдида, хаётим бор,
Сарнигуни бўлмасдан балки гоз эрур кўнгил.
Собиро, паёмингдан чархланди илхомим,
Навбахори шеърингдан кайта ёз эрур кўнгил.
1940 йил.

ВАФО СЕВАРИМ

Кани-кани мени ул дилбарим, вафо севарим,
Кани-кани назарим кўзгусида жилвагарим?
Фалак-фалакка етар бир нигоҳидин бошим,
Юрак-юрак эзилур ёдида бутун жигарим.
Кутуб-кутиб кадамин гардига кўзим мушток,
Ўтуб-ўтуб кетиб эрур бу бир бахоналарим.
Караб-караб неча кунлар йўлига бокмогдин,
Ажаб-ажабки, окарди беш-ўнта мўйи сарим.
Ютуб-ютуб аламин, таънаи ракибдан, ўзум –
Тутуб-тутуб, яна ёди билан кочар хатарим.
Тутаб-тугаб кетамен ишк алангаси бирлан,
Чидаб-чидаб турамен нориди туруб назарим.
Тараб-тараб кора зулфин кийиб каро кундуз,
Ўраб-ўраб келар ойдек юзини ишвагарим.
Такаллуми менга жон бахш этар малохатидин,
Табассуми аслимдур, каломи найшакарим.
Хаё-хаёли караш сирларин ёзиб шархин,
Каро-каро кўзини васф этиш нетай хунарим.
Агар ўгурса юзин дўст, бир гуноҳинг бор,
Югур-югур деб эди раҳматий менинг падарим.
У нозанини каро сочларин хаёли билан,
Кечам мунаввар ўлуб, Чархий, ўтар сахарим.

МЕХНАТ ДЕДИМ

Эй кўнгил, бахту саодат, не дединг, мехнат дедим,
Мехнатинг завк берса одат, не дединг, роҳат дедим.
Хар фазилат касби захматсиз бўлурми дастгир,
Бўлмаса танда риёзат, не дединг, иллат дедим.
Юздаги хусну тароват, кўздаги мехригиё
Сўздаги лутфу фасохат, не дединг, хурмат дедим.
Эгрилик исноди инсонга, разолатдан далил,
Тўгри йўлга чин далолат, не дединг, шафкат дедим.
Бадгумон дилдан ширинлик топмадим деб ранжима,
Шўру зах ердан зироат, не дединг, офат дедим.
Хар ёмону яхши йўлга бошлаган ўз хоҳишинг,
Бу икки маънода хикмат, не дединг, улфат дедим.
Кибру манманлик билан тўлган кўнгул ёр ўлмагай,
Камтарин дўстинг-ла суҳбат не дединг, давлат дедим.
Айтди донолар ганимат, хар даминг, хар соатинг,
Бу азиз умр ичра киммат, не дединг, фурсат дедим.
Бахралансин донишингдан бегараз толибларинг,
Лекин огир юк ниҳоят, не дединг, миннат дедим.
Чархий, бошингни эмас, калбингни рост айлаб гапир,

Сенга бу мазмун ишорат, не дединг, ибрат дедим.
1968 йил.

ТОПДИМ

Чаманда сайр килдим, бог аро нашъу намо топдим,
Бу гулшан булбулига жўр бўлиб мен хам наво топдим.
Кезиб гулзорни гуллар ичра ёлгиз бўлмадим бир дам,
Кўгил меҳрига пайванд дўсту ёри ошно топдим.
Кўниб калбим куши гул шохига сайрарди булбулдек,
Унинг мадхин ўкиб ман шавк ила дostonсаро топдим.
Баногох кўзу кўнглим сарв ила сунбулга бир боккач,
Хаёлимга тушиб ёр зулфи бўйи дилрабо топдим.
Тикиб бир нуктага умр ўтди бу савдо нечукдир деб,
Лаб узра холидан сўрдим деди: «Меҳригиё топдим!»
Бу мужда жону дилга оташин меҳрин аён этгач,
Висол завкига тўлдим, Чархий, чин муддао топдим.

ФАРГОНАМ

Омон бўл ориятли мард элим донгдор Фаргонам,
Халол меҳнат туфайли шухратинг бисёр Фаргонам.
Машаккат бирла кунларни улаб тунларга хосил деб,
Йигит-киз мижжа кокмай ишлади бедор Фаргонам.
Териб дурдоналарни меҳрила килмай грамм нобуд,
Ватанга армугон айлади тайёр Фаргонам.
План юз бўлди юзлар равшан ўлманг кахрамон шерлар,
Хижолат тери йўк энди, ёруг дийдор Фаргонам.
Хусусан техника дехкон учун доим мададкор у,
Шунингчун бел бакуват хам тўкис рўзгор Фаргонам.
Зарафшон сув “ок олтин” дурлари дунёга машхур ким,
Окин сой ташна колмас мавж урар анхор Фаргонам.
Сенинг мадхингни канча ёзсам арзир то хаётим бор,
Унутмас Чархий фарзандинг, сени зинхор Фаргонам.

БАД КИЛДИМ, ХАТО КИЛДИМ

(Бир мансабпараст, ишдан хайдалган текинхўр килмишларига пушаймон бирла бу газални ўкиди)

Аё дўстлар, бугун зинхор бад килдим, хато килдим,
Хамма айбимга мен икрор, бад килдим, хато килдим,
Эсиз, мансабда чоғим патхалимлар бирла хилватда,
Килардим кўп бузук кирдор, бад килдим, хато килдим,
Ёмонга ёндошиб ён бердим, афсус, кулфати етди.
Козондек коп-каро дийдор, бад килдим, хато килдим,
Керилдим, кибр килдим, менсимасдан камтар одамни,

Берардим ўлгудек озор, бад килдим, хато килдим,
Менга бир кимса хурматлаб салом берганда бокмасдан,
Килардим хурматин кўп хор, бад килдим, хато килдим,
Неча савлат сотувчи магзи пучлакрга тегиб сон денг,
Бикинда эрдилар тайёр, бад килдим, хато килдим,
Пару болимга сув пуркаб, кўтардилар чунон кўкка,
Канотим хўл бўлиб бекор, бад килдим, хато килдим.
Ишимнинг ёгига хўп бокдилар, бу ёгига бокмай,
Ана улфат, ана дилдор, бад килдим, хато килдим,
Хузуримдан бири кетса, бири кўнглимни овларди,
Келиб неча “пари рухсор” бад килдим, хато килдим,
Биров арз ила келса, бир бахона бирла кайтардим,
Ялинса: мен дедим бор-бор, бад килдим, хато килдим,
Бирок килмишларимни халк ўзи хукми-ла фош этгач,
Бузулди афт ила ангор, бад килдим, хато килдим,
Бошимни гангитиб, маст этдилар, паст этдилар охир,
Наханг нафси лаганбардор, бад килдим, хато килдим,
Текин деб, тегди кулфат тоши, дилда юз пушаймоним,
Ўлай бўлмай харом пулдор, бад килдим, хато килдим,
Каёндан келди бу пул, шул томонга окди-ю кетди,
Куриб колди окар анхор, бад килдим, хато килдим,
Кўриб бу холатимни дўсту душман алхазар дерлар,
Кочиб мандан хама безор, бад килдим, хато килдим,
Адашдим тўгри йўлдан, бошлангиз дўстлар бугун йўлга,
Сабабчи бир гала айёр, бад килдим, хато килдим,
Халол мехнат-ла энди ўткарай колган бу умримни,
Ўла-ўлгунча мен такрор бад килдим, хато килдим,
1963 й.

ФИДО БЎЛДИМ

Кўзим кўзингга бокиб, дилбар ошно бўлдим,
Юзим юзингга тушиб эрди, мубтало бўлдим.
Такаллумингга килай бўлса минг жахон садка,
Табассумингга вужудим билан фидо бўлдим.
Качон дедингки, менга килмадинг фидо жонлар,
На этсанг, орази гул, шунга мен ризо бўлдим.
Сени дедим бўлак олам хузуридан кечдим,
На гамда кўнгли синик, на дили яро бўлдим.
Хатинг чиройи юзим сахфасин баёз этди,
Лабингнинг васфин ўкиб, толеи зиё бўлдим.
Сочингга боглаб ўзин хар томон урар кўнглим,
Бу бегунохга мен хам бирга хамжазо бўлдим.
Нихоли гулга кўниб, Чарх уриб шу гулшанда,
Чаманни булбулидек масту хушнаво бўлдим.

ТҶЙОНАСИ БИРЛАН

(Мустахзод)

Тўй зийнати тўйга келур хамма сарафроз,
тўёнаси бирлан,
Гулчи гулидан йўлга тўшар гулли пояндоз,
гулхонаси бирлан,
Сен хам, каламим, бор бисотингни ёзиб кўр,
шояд эса манзур,
Чунки азамат пахта миришкорлари келгай,
дурдонаси бирлан,
Хар донаси бир бахт дебон парвариш айлаб,
хосилни авайлаб,
Яшнатди Ватан богини, хар ёғи “ок олтин”
кошонаси бирлан,
Дерлар кишининг бўлса агар тухфаси манзур,
савгосига раҳмат,
Арзийди гурур этса гавхар донаси бирлан,
дур шонаси бирлан,
Майдонда махоратда топиб шон ила шухрат,
машъаллари беҳад.
Хар бир отахон чехрасида яркираган нур,
нурхонаси бирлан.
Хар канча меҳр кўйса киши дилда бу хам оз,
она Ватанимга,
Яйраб яшнагай хар бола хам тарбия берган
ўз онаси бирлан.
Меҳнат зафари мангу саодатга етирди,
халк тинчу фаровон,
Хар шам ўзининг равшани ўз хонаси бирлан,
парвонаси бирлан,
Дўндирса ишин мард эли дер оламу одам
халкимга тасанно,
Республикамиз фаҳри баланд химмати олий,
Фаргонаси бирлан.
1964 йил.

ЎЙНАСИН-КУЛСИН

Улуг давронда ёшлар шоду хандон ўйнасин-кулсин,
Муборак дилда боглаб, ахду паймон ўйнасин-кулсин.
Хаёт гаштини сурсин, то абад бахту саодатда,
Вафо богидан узсин гул, гулистон ўйнасин-кулсин.
Укун мушток диллар васл умидин эрди илхоки,
Бугун хурсандлик айёмида шодон ўйнасин-кулсин.
Качонким хур хаёт гулларни гулга кўшди, соз этди,

Ушалсин орзуси рохатда чандон ўйнасин-кулсин.
Табассум кетмасин лабдан, такаллум чоги булбулдек,
Чунон сайрарда завки жонга дармон, ўйнасин-кулсин.
Экиб меҳру вафодан янгидан-янги ниҳолларни,
У ширин мева бергач, богда богбон ўйнасин-кулсин.
Тилар Чархий хамиша бахту давлат, соғ-омонликни,
Хамма ўз ёри бирлан шоду хандон ўйнасин-кулсин.

ХАР ЖОН БОРИДАН

(Муқимий билан суҳбат)

Тухфа айлар дўстига химмати хар жон боридан,
Соя ташлар, соя истар жонга дармон боридан,
Бе ижозат мен дема кел химматингни тут баланд,
Элга дастурхон ёзар, хар кайси мезбон боридан,
Борлигингдур бойлигинг беркитма, химмат богин ос,
Хадя кил юртингга майли бўлса бир нон боридан,
Ё ўзингдан, ё сўзингдан, бахра олсин одами,
Мард кишилар мардлигин кўймайди виждон боридан.
Сурат оро бўлма дўстим, калби оролар бу кун,
Кўрса бир вайрона этди боғу бўстон боридан.
Ўчгуси бир кимса хулки бирла хар ёнган чирок,
Этгуси бир мард ўгил, тукин чарогон боридан.
Чўлни бўстон айлабон, "ок олтин"идан офарин,
Тог каби хирмон яратди, яхши дехкон биридан.
Не гамим бор, бахтиёрман фахру-шоним давлатим,
Ранг-баранг гул ундирар бизнинг гулистон боридан.
Эй Муқимий, давр одил, шул сабаб инсон азиз,
Чархий бизни кадрларкан, мард кадрдон боридан.

ОНАЖОН

Кетдингиз оламдан афсус колди армон онажон,
Доглар кўксимда кат-кат, юз пушаймон онажон.
Меҳрингиз оламча эрди, барча фарзандлар учун
Йўк экан харгиз ўлимга чора-имкон, онажон.
Тўғри йўлда раҳнамолик айладингиз биз учун,
Тарбиянгиз соясида топдик унвон онажон.
Меҳнатинг рохат дедингиз, хурматинг бахтинг сенинг,
Шафкатинг деб соя берсин элга хар он онажон.
Тупрок олсанг бўлсин олтин, соғ бўлиб олтин бошинг,
Деб кўзингиз юмдингиз сиз, йиглатиб кон, онажон.
Яхши ниятли кишилар, дўстлар хор ўлмагай,
Яхшилар номи хамиша тилда дoston онажон.
Чархий ким она кадрин билмаса инсон эмас,
Гарчи у аллома бўлсин, бўлмас инсон онажон.

5 август 1978 йил

УЧРАМАСИН

Эй кўнгил, сакла ўзинг, токи бало учрамасин,
Не бало, йўлни тўсар эзманамо учрамасин.
Кўли кўксида мудом, кўнгли тўла фиску фасод,
Хама игвога шерик юзи каро учрамасин.
Коч ёмон соясидан, сояси хам курсин унинг,
Токи тухмат тошидан сенга жафо учрамасин.
Киши азорига лаб очма, адаб илмин ўки,
Хулку одобинг учун икки бахо учрамасин.
Бевафолик бирла хар кимсага шоф этма кўлинг,
Эгри тўкмокка яна эгри асо учрамасин.
Мунча кийнарсан ўзингни чираниб бюрократ,
Дам хафа димлама айвонда вабо учрамасин.
Синчалакдек кўтариб кўкка оёгинг тирама,
Карчигай чангалида сенга казо учрамасин.
Она сут берди, отанг вояга еткурди сени,
Мен ўзим катта дема, катта жазо учрамасин.
Ўнакай кўзу ширин сўзни элингдан аясанг,
Чапакай тарсаки еб, кахру изо учрамасин.
Олим илмига амал айласа-ю, учраса хўп,
Айтинг-айтингки, амалсиз уламо учрамасин.
Чархий жону дили-ла окил эллинг фандин эшит,
Эхтиёт айла дилинг, кибру хаво учрамасин.
1966 йил, 9 август.

ЧАНДИРМАН

Эшитинг дўстлар, хар холда мен юмшок чандирман,
Ёмонларнинг танига тўлдириб тўлгоқ, чандирман.
Халол чандишнинг унча айби йўқдир, хамма хам чандир,
Демасман хаммадан устун туриб, тезрок чандирман.
Замир оханги нозик, шеър гараздан холирок бўлсин
Хиёнат бирла ким ўйнар эса, жуфт-ток чандирман.
Эшитдим баъзи шоир ялласин, эл ранжиб айтармиш:
Ўчир-ўчир овозини, ёп огзига копкок чандирман.
Тянь-Шань тогининг сакратмаси вазнига салламно,
Кизилкум чўлидек ундирилмагин янтоқ чандирман.
Таранг-тоз шеърлар сарлавхасин кўрдим, бураб радио,
Тегаргтегмас кўлим, бир дўппича тўзгоқ чандирман.
Гап ўтмасларга ўтмас сўз десанг ор этмайин айтур:
-Пичокнинг бети кайтар, болта ўтмас кок чандирман.
Сўз олмосини мазмун дер, чукур шеър бўлса ким олмас,
Юрак туйгуларимни этсангиз чўлтоқ чандирман.

Киёмин еткуролмасдан гапиргандан гап урган кўп,
Эсиз зархал каламлар, садкаи аврок, чандирман.
Курук гапларни сотгунча, кўрик ерларни бог этсин,
Текин бог олмасин еб, кокмасин ёнгок чандирман.
Ишимда моки хатлатмай, териб ип лосини хар дам,
Ўраб дастгохни махкам, хўл килиб аркок чандирман
Беркмачок бирла шеърим битта куй остига вақтим чок,
Агар куй кетса, шеърим, коку валкайрок чандирман.
На вазну на лотофат, шеърият номига бу тухмат,
Утилсирьёга топширмок учун илхок чандирман.
Сотилган бу кўшиқлар энг лахим гўшт ўрнида пулга,
Дегай у, кўлга осанг кок суяк, яргок, чандирман,
Дилим равшан килиб, буткул элу юрт номидан айтдим,
Хакикатни дейишга мен нечун кўркок, чандирман.
1962 йил.

ТЎЙИНГИЗДА ТИЛАГИМ

Сизга дўстим кўнгил парвона бўлсин,
Тўй устига тўйингиз ёна бўлсин.
Йигилган барча меҳмон, ошнолар,
Уйингиз гулу, хам гулхона бўлсин.
Тилак шулким азиз фарзандингизга,
Садокатли ахил хамхона бўлсин.
Хамиша ўйнасин, кулсин жахонда,
Улардан дарду гам бегона бўлсин.
Такозойи хаёт истар ширинлик,
Бири шам-у, бири парвона бўлсин.
Вафо бўстонида яйраб гул узсин,
Бири жону , бири жонона бўлсин,
Икки наврастадан унган ниҳолин,
Бири лаълу, бир дурдона бўлсин.
Умид хам шул зарур дилда хамоно,
Бири олим, бири фарзона бўлсин,
Эл ичра кўрсатиб ибрат намолик
Ажойиб мардуми Фаргона бўлсин.
Хаёт нашъу – намосин кайи ортик,
Май ичмай Чархийдек мастона бўлсин.

КИНГИРЛИК ЁМОН

Тўгрилик кўп яхшидур оламда, кингирлик ёмон,
Тарбият бирлан тузалмас багри тош кирлик ёмон.
Минг аср ер остида колган темир том бўлмагай,
Занлаган мисни кизартирмокка жилвирлик ёмон.
Фарк этиб яхши-ёмонни, сўнгра йўлдош айлагил,

Тилда дўсту меҳрибонлик, дилда килвирлик ёмон.
Дангаса том бошида доим гадодан нон сўрар,
Ишда йўк, лекин маишат бўлса хозирлик ёмон.
Оркадошинг оркадан боплайди, бор оркам дема,
Бўйнига бир бор занжир тушмагаан шерлик ёмон.
Харна тадбир айласанг душманга ишлат, дўст учун,
Хийла-найранг, бетамизлик бирла мудбирлик ёмон.
Тер тўкиб топса кишилар ёг ила яжман еган,
Кунда бемехнат топилган тандаги жирлик ёмон.
Йўлда юк босганга хомий бўл огир юк босмасин,
Ишга хозирлик дуруст, ишратга мохирлик ёмон.
Текин ўт деб, хар томондан шилма эпчиллик билан,
Сур бўлиб килган иморат накшида сирлик ёмон.
Эр аёлдан ё аёл эрдан бахона тарзида,
Хар бўлар бўлмасга хар ёкларга гир-гирлик ёмон.
Етди ботир, етди деб етмиш тийиндан йўк дарак,
Лекин ишга иштаха йўк, ошга хозирлик ёмон.
Сут билан кирган хар одат жон билан у чикса хам,
Ол деса, ойда жаранглар кунда бер-берлик ёмон.
17.12. 1958 йил.

ЭНГ ШИРИН СЎЗ

Энг ширин сўз яхши инсонлар учун,
Яхши инсон, тоза виждонлар учун.
Дил тубидан танлаган дурдоналар
Ахди маҳкам яхши дехконлар учун.
Канча таъриф айласам хам шунча оз
Яшнаган бу боғу бўстонлар учун.
Юрту элнинг пок дилида хурмати
Пахтакорлар, марди майдонлар учун.
Айтмасам чин дилда тахсин, офарин,
Химмати олий кадрдонлар учун.
Шукр этармиз бахтимиз бор тоабод,
Харна мавжуд, хамма имконлар учун.
Мадхин айтиб сайраган жон булбули
Шу Ватан-чун, шу гулистонлар учун.
Тебратар Чархий калам то танда жон
Кахрамон халкимга дostonлар учун.

ВАФО СЕНДАН

Арзи хол мандану вафо сендан,
Кутмадим жабр ила жафо сендан.
Ўзгадин зарра эҳтиёжим йўк,
Хожатим айламак раво сендан.

Ишк аро минг бало дучор ўлса,
Дарди хижрон учун даво сендан.
Кундузи сен куёшу мен зарра,
Тунларим мохсен, зиё сендан.
Мунтазир кўзларим кароги ўзинг,
Хира кўзларимга тўтиё сендан.
Тупрогинг ўпмагим раво бўлса,
Жондан ўпай, этиш бажо сендан.
Дўст учун яхшилик раво мендан,
Гайр учун бермаклик жазо сендан.
Чарх уриб ихтиёрингга келдим,
Кабул этмак, кўзи каро, сендан.

ДЕРМАН

Жонон кўриб жамолинг кўнглим бахор дерман,
Хар кун кутиб йўлингда келсайди ёр дерман.
Сенсан менга тўлин ой, эй кўзлари хуморим,
Калбимда меҳринг ўти ургай шарор дерман.
Хушхулку хуштакаллум, олижаноблигингдан,
Касб айласин ўзига хар гулузор дерман.
Олам менга муяссар бир йўл назора этсанг,
Хар бир табассумингга кўз интизор дерман.
Рашкинг ўтида нигох куйса бу устихоним,
Чикмок учун танамдан жон бекарор дерман.
Кўйингда чарх уриб ким, хукмингга бермайин бош,
Лофи мухаббат урса беэътибор дерман.
16 март, 1968 йил.

КЎЗИНГДАН

Кўрдим неча бир жафо кўзингдан,
Йўк-йўк аламин каро кўзингдан.
Бир мен эмас ишк аро топибдир,
Хар ахли вафо, наво кўзингдан.
Бир боксанг агар табассум айлаб,
Хосил хамма муддао кўзингдан.
Ўтлар сочадур нигохи мастинг,
Куйдирмаса мен ризо кўзингдан.
Юздан кўринур жахонномалиг,
Сўздан асалу, хаё кўзингдан.
Кўрганда ракиб кўзи кўр ўлсин,
Чархийга етур вафо кўзингдан.

КОСМОНАВТЛАРГА

Сайр этишди икки лочин кўкка парвози билан,
Ўйдилар юрт шухратин оламга фан сози билан.
Бу сафар- тинчлик биносин, чин пўлат кўргонидир,
Баркарор бу хамнафас халкларнинг овози билан.
Кема парвозида инсон мўъжиза корни кўринг,
Кемадан чикди фазога, учди жонбози билан.
То абад топсин камол мохир жасур авлодимиз,
Фахр этар голиб Ватан бу икки шоввози билан.
Мардлар пешвозига чикканда хар ким завки-ла,
Чарх уриб шоир чикар шеъри-пояндози билан.

МАРГИЛОН

Ой жамолинга бокиб тўймади, бўстон Маргилон,
Бор куёш акси юзингда эй, кадрдон Маргилон.
Эл чиройингни томоша этмоги бежиз эмас,
Дўстлигинг рамзи узорингдан намоён, Маргилон.
Богларинг, гулзорларинг таърифига ожиз калам,
Йўлларинг атрофи гуллардан хиёбон, Маргилон.
Дўстларинг ташрифига атлас поёндозлар тўшаб,
Кенг кулочингдир очик келганда меҳмон, Маргилон.
Товланиб ким хусни ортиб, хуснига бергай жило,
Атласингни кийса хар сарви хиромон, Маргилон.
Неча олим, меҳнат ахли топдилар сенда камол,
Фахри-ла тилларда номинг, зикри дoston, Маргилон.
Давлат арбоби-ю, санъатнинг гули, сўз устаси,
Сенда жам бўлди, этишди, топди унвон, Маргилон.
Бу саодат, бу зафарлар нури сўнмас тоабод,
Чунки берди давримиз бу бахту имкон, Маргилон.

ЖОН НИСОР ЎЛСИН

Агар Ширин эрур, сендек вафода баркарор ўлсин,
Ва гар Фарход эрур, кўзингда мендек пойдор ўлсин.
Дилоро, юз очиб кел сайр этиб бир бўстонида,
Кўриб олам томошо айлосин-кўнгли бахор ўлсин.
Куёш бошингдан айлансин, каддингдан жони зорим хам,
Камар даврида юлдузлар йўлингга интизор ўлсин.
Хилол абруларингни тебратиб кўрkitма ошикни,
Жафо хар неча этсанг майли, меҳринг дилда бор ўлсин.
Кечиб даъвосидан охулар айтар юз хижолатдан:
“Тасанно, кўз деган шундай хумору тигдор ўлсин”.
Ўмон кўз бирла бокса гайрилар гулдек жамолинга,
Хасад ўтида ёнсин, жисми жони бемадор ўлсин.
Вафо майдонида хар бир хавас лофини урганлар,
Менингдек изларингдан чарх уриб жони нисор ўлсин.

3 июль 1968 йил.

ЎЙНАСИН

Мутрибо, созингни соз эт шўхи жонон ўйнасин,
То кўриб агёр элин кўксида армон ўйнасин.
Ўйнасин кўз устида гохи каро кундуэлари,
Гохи шўхлик бирла кош остида мужгон ўйнасин.
Оташин рухсоридан тушганда ишкин учкуни,
Бир менинг жоним эмас, базм ичра юз жон ўйнасин.
Булбулни овози ечса богаро гул тугмасин,
Гунча очилган лаби кулкуда чаккон ўйнасин.
Сунбулин таркатса жоним хидламокка майл этар,
Майли ошик кўнглидек зулфи паришон ўйнасин.
Тут поёндозингни гулдан ёр учун, э богбон,
Гул бахори хуснидан бўй олди бўстон ўйнасин.
Куйлаган васфини мендек мубталолар кам эмас,
Дилбарин даврида Чахийдек газалхон ўйнасин.

ОФАРИН

Эй, азамат пахтакор сизга жахон офарин,
Дер хамма халк тахсину балки замон офарин.
Пойгада колмай мудом маррага етган хамма-
Мард кишилар довруги элга аён офарин.
Дамни ганимат билиб ваъдага айлаб вафо,
Химмат ила ошдингиз катта довон офарин.
Тун бўйи парво килиб пахта учун ишлаган,
Хирмони дурдонага тўлди хамон офарин.
Сафда чеварларни хам кўллари дард кўрмасин,
Бир-бирига меҳрибон кизу жувон офарин.
Терган “ок олтин”лари дил тўридан армугон,
Тухфаси лойик мудом, бўлсин омон офарин.
Пахта учун кайгуриш бизда бу виждон иши,
Чунки бу неъмат эрур нон ила дон офарин.
Минса пўлат от уза мард чавандозлар,
Машъала майдон эрур хар каю жон офарин.
Бир неча шоввозлар, неча миришкорлар,
Кўксига республикам такди нишон офарин.
Хисса кўшиб жон куюб завкила ёшу қари,
Юртга ўзин хадясин тутди хар он офарин.
Сиз азамат дўстлар меҳри-ла илхомидан,
Завки тўлиб Чархийнинг таъби равон офарин.

ГУЛШАН АРО

Гохи-гохи эркалаб эсса сабо
Тоза диллар бахр олур гулшанаро.
Ким етар бўлса хаётнинг кадрига
Бор масал: Умрида ҳеч тўймас асо.
Сабру бардош кил йўлинг да эт давом,
Эътикодла хал бўлур хар муддао.
Чархий шогирдга бериб чин тарбия,
Дедим улгай, топ кадр сен доимо.
18 сентябрь 1976 йил.
Кўкон

ГУЛЗОР ТОП

Келдинг оламга нишонанг колгудек бир кор топ,
Яхши хислатлар билан йўл кезмагинг даркор, топ.
Кезма эгри йўлни харгиз, хар одим озори бор,
Тарк этиб расво кадамни тўгри бир рафтор топ.
Харнечук бедардларга айтма кўнгул розини,
Бил аянч холинг билувчи махрами асрор топ.
Нафс деб ишратга мойилларга майлинг бўлмасун,
Ўзни гафлатдан йирок айлаб, дили бедор топ.
Сен ёмонга ёндошиб номусни барбод айлама,
Бир кадам хам кўйсанг, айтай, рост дўсту ёр топ.
Тансихатлик шукрини билгил кучаймай иллатинг,
Чора истаб кайда малхам бўлса, билсанг бор топ.
Хайф бир сўз багри тош одамга, кадринг на билур,
Арзихол айтгувчи бўлсанг, мардуми хушёр топ.
Келмасанг инсофга харгиз, билмасанг эл хурматин,
Осгали нафси бадингни бир баландрог дор топ.
Токай аччиг сўз-ла юрсин, Чархий, гардундан ошиб,
Ишк девонин ўкуб сен хам ширин гуфтор топ.

ДИЛРАБО ЎТАР

Хар дам кўзимдан жилва бериб махлико ўтар,
Юз куйдириб алам ўтида, дилрабо ўтар.
Кўз-кўз жамолини мен хаста зор учун,
Юз-юз жафога жонни этиб мубтало ўтар.
Минг-минг ситамга токат этиб келди жону зор,
Кенг-кенг жахонни тор килиб бевафо ўтар.
Кам-кам бузиб ул кунги килган ваъдаларни ёр,
Дам-дам вафога мойил улуб ошно ўтар.
Гох-гох кўнгил хушини олиб у нишонга,
Вах-вах нечук этай демадим бир бало ўтар.
Ўк-кўланиб турар демангиз бу ракиб учун,
Йўк-йўк жонга отганда бехато ўтар.

Бир-бир хавас йўлидан аё Чархий бонг уриб,
Мен ошики деган хамма ахли наво ўтар.

БЎСТОН БЎЛУР

Навбахор барк урса хусни ер юзи бўстон бўлур,
Гар тараннум тузса булбул гунчалар хандон бўлур.
Сабзалар яшнаб бисотин ёзса хар жон илгида,
Даста-даста гул, бинафша, чаккада райхон бўлур.
Чин мухаббат ахли, меҳнат ахлидир ахбоблар,
Гул хаёт ишкида хамма бир тану бир жон бўлур.
Кишда ёз фаслин гамин еб навбахор айёмида
Пахтазорда пахтакору бог аро богбон бўлур.
Фан элининг химмати-ю, техника хосияти,
Бўлди жаннат дашту сахро койили инсон бўлур.
Кахраган сахрода не ўссин агар сув бўлмаса,
Сув билан дарё тубида лаъл ила маржон бўлур.
Сув хаёт, сув катрасин хам зарра исроф айламанг,
Заррадан зар бўлса пайдо катрадан уммон бўлур.
Сув билан чўллар гулистон, колмади сувсиз сароб,
Бир ховуч сув кўрмаган ер сахни хористон бўлур.
Ялтироксиз, жисми хомуш, таъби вазмин тоғлар,
Багритўла нукра олтину зажарбад кон бўлур.
Яхши ният бирла, дўстим, айла богу роглар
Колса бир туп мевасиз ер эл учун армон бўлур.
Сўзни уккан яхши фарзанд бахту омад келтирур,
Ўзбилармон, тантик одам аксарий нодон бўлур.
Оташин калбингла, дўстим, ишла енгиб мушкилинг,
Ўтга тоб берган хамирдан лоларанг ширмон бўлур.
Жону дилдан тухфамиз бу юртим олтин тўйига,
Шубхасиз, дурдоналардан тоғ-тоғ хирмон бўлур.
Она тупрок нури чашма хур замон авлодимиз,
Ваъдамиз чиндан мукаррар аҳд ила паймон бўлур.
Ишни койил айлаганлар меҳнатига офарин,
Эл шарафлаб олий минбар узра у меҳмон бўлур,
Чархийё, голиб элингнинг мадхида тебрат калам,
Меҳнати минг-минг китобу хурмати дoston бўлур.

ДОНГДОР ХОРМАНГЛАР

Яшанглар, ориятли мард элим-донгдор, хорманглар!
Халол меҳнат туфайли даштлар гулзор, хорманглар!
Машаккат бирла кунларни улаб тунларга хосил деб,
Йигит-киз мижжа кокмай ишлади бедор, хорманглар!
Эрурсиз кўллари гул йўллари гул химматингиздан,
Заминлар ташна колмай, мавж урар анхор, хорманглар!

Бахордан то кузак тер тўқдингиз ишлаб сахт ерга,
Саховат шул эрур, албатта, бахтли ёр хорманглар!
Забардаст киз-ўгиллар, ваъдаси чин марди майдонлар,
Дили бир, сўзи бир ахдида доим бор, хорманглар!
Мухаббат бирла дехкон бир чигит ундирса гайратидан
Ватан хам рози ундан, халк миннатдор, хорманглар!
Хусусан, техника дехкон учун доим мададкордир,
Шунинг-чун бел бакуват, хам тўкис рўзгор, хорманглар!
Териб дурдоналарни меҳр ила этмай грамм нобуд,
Ватанга армугонлар этдингиз тайёр, хорманглар!
Ёзурда мадхингизни Чарх урар парвона кўнгиллар,
Узун умру баланд химмат тилай такрор, хорманглар!

КЕЛТИРУР

Хар каю манзилга, кўнглим, ўз оёгинг келтирур,
Ниятинг не бўлса дилдан, иштиёкинг келтирур.
Тортар эрсанг бир мухаббатли кўнгилнинг меҳрини,
Меҳрибонлик бирла кенг очган кучогинг келтирур.
Тутмасанг ўз хурматингни хар якин бўлгай узок,
Химматинг бўлса баланд, хар бир узогинг келтирур.
Отма нохак кимсаларга таънадан тухмат тошин,
Хар алам бошингга ўз откан таёгинг келтирур.
Нафси бадлик-тан-сихатликнинг ашаддий душмани,
Хар касалларки келур, кургур тамогинг келтирур.
Кўйма хар хавфли маконга беибо бежо кадам,
Хар маломатлар етар, кингир туёгинг келтирур.
Чархи чин илхом парисин бил вафо бўстонидин,
Эзгу ниятлар билан ёнган чирогинг келтирур.

ТОПАР

Хар улуг максадни одам тоза виждондан топар,
Тоза виждонни дили покиза инсондан топар.
Истаса хурмат жахонда топгали ахлоқ керак,
Кимки манманликни истар бўлса, нодондан топар.
Меҳнат этса гар киши дарёга, кайтар унга хам,
Махсулин дарё эмас, бир кун хиёбондан топар.
Осмонга бокма, аввал бок оёгинг остига,
Кайси эр ердан эмас, давлатни осмондан топар?
Парча нон кадрили билган, чўпни хам хор айламас,
Бир ховуч дон сепса дехкон, кузда хирмондан топар.
Халк аро меҳру вафодан тоза бир гул истаган
Чархийдек булбулга кон, хур шу гулистондан топар.
1955 йил.

МУАЛЛИМЛАР

(кўшиқ)

Хай-хай нахуш давримизда, кутлуг айём муаллимлар.
Таъзим сизга калбимиздан минг эхтиром муаллимлар.
Сиз мураббий инсон учун, диллардаги виждон учун,
Чексиз илму урфон учун, берган илхом муаллимлар.
Маърифатнинг кенг кучоги, доим кайнар фан булоги,
Инсон бахтин сиз чироги, ширин калом муаллимлар.
Сиз туфайли утозимиз, денг таратган овозимиз,
Кўклар сари парвозимиз, топди низом муаллимлар.
Заптингизга ер-осмон, фанимизга койил жахон,
Элга гамхўр чин меҳрибон, дилга ором муаллимлар.
Сиз богбон биз богингиз, ўчмас харгиз чирогингиз,
Тўтиёдир сабогингиз, кўзга мудом муаллимлар.
Чархий гамдан бегонаман, май ичмайин мастонаман.
Кўйингизга парвонаман, сизга салом муаллимлар.

ДЎСТЛАР, ФАЗИЛАТ АХЛИН

(Дўстим Собир Абдулланинг шеърий мактубига жавоб)

Дўстлар фазилат ахлин ширин забони Собир.
Улкан адибу шоир, эл меҳрибони Собир.
Васфида созлабон соз, мингдан бирин десам оз,
Шоирлар ичра мумтоз, таъби равони Собир.
Назму насрда голиб, шеърига барча толиб,
Санъатга сўзи колип, йўк, йўк гумони Собир
Ёзилса шеър каноти, парвозда мазмун оти,
Хўп ранг-баранг бисоти, маънонинг кони Собир.
Дил кўзгуси мунаввар, ишк шубха, калби гавхар,
Ахли каламинг камтар, зўр пахлавони Собир
Гул ошиги хамиша, назм ишкида пеша,
Ургай тиканга теша, кўрган замони Собир.
Икбол майини тотган, орзуларин ушатган,
Сўзидан гул яратган, гул богбони Собир.
Сўзда латифа гоят, дўстлар учун иноят,
Менга бу бир башорат, хуш имтихони Собир.
Кўконда кишму хар кун деса биров, дедик жўн,
Хар кун шамолу хар тун, кор осмони, Собир.
Б ултурги корга сўз деб бу йилги таънасин еб,
Ёзмокни кўрмадим эп, хажвим-ла, они Собир.
Кор бирла тўлди томим, пишди курашда холим
Сустлашмас интизомим, берма сазони Собир.
Йўк тоб гард илинса, ранжийди дил билинса,
Хар канча мактанилса, йўқдир зиёни Собир.
Илхом берарда шоир, мактов натижаси дер,

Курбони кетсанг арзир, акли расони Собир.
Шу-шу вазифа хар дам хизматда биз дамо дам,
Хайхот олмагай дам хужра козони Собир.
Юз шукурким тузалдим, туз тотгали узалдим,
Излаб шифони дардим, топди давони Собир.
Наврўзи олам эмиш, завку сурур ганимат
Биздан хамиша хизмат, дўстлик нишони Собир,
Чархий бошим кўтардим, чун лола ранги зардим,
Колгунча ерда гардим мен дўсти жон Собир.

У ЁРА ЕТУР

Сабо, саломимни аввал кўзи хумора етур,
Сўнг арзи холими ул юзлари анора етур.
Менинг губорим унинг остонига етмас,
Унинг губорини мен бу хокисора етур.
Сахар ракиб элидан даргохи бўлур холи,
Юрак сиримни секин субхидам у ёра етур.
Фирок шомида ёзган хазор достоним
Висоли субх етушган дами нигора етур.
Меининг саломим агар етса, не саодатким,
Унинг саломини сен хам мен интизора етур.
Вужуди ўртади, деб сўзла нозанин ёра,
Ёшурма рози дилимни сен ошкора етур.
Куюнма нолада, Чархий , мухаббат учкунидин,
Ракиб уйига кўюб ўт, уни шарора етур.
1927 йил.

ЧАМАН БЕЗАНДИ БУ КУН...

Чаман безанди бу кун, дилга бир савол келур,
Магар кўнгил севинач, хусни бемисол келур.
Качонки келса, кетур шул куни юракдан гам
Качонки кетса, яна дарди эхтимол келур.
Садафдек асрамогим дилдаги мухаббатин
Ракибларимга гаму менга турфа хол келур.
Карам умиди хамма кимсага баробармас,
Ёмонга балки завол, яхшига камол келур.
Хамиша ўю хаёл дилда меҳрибонимдир,
Масалки: тушда хамон ўйлаган хаёл келур.
Вафоли шўх санамим чорласа висолига,
Танамга кон югуриб, янгидан мажол келур.
Качон етушса хабар мунтазир кулогимга,
У дам юракка мадору лабимга бол келур.
Хато эмаски, сепиб сув, йўлин супирмок-чун
Камоли химматидан Чарх уриб шамол келур.

1945 йил.

ВАТАНИМ

Кўзимга хур Ватаним Гарди тўтиё кўринур,
Унинг мухаббати хар бир кўгулда жо кўринур,
Юракда завки висол нурли офтобимдан,
Кўнгулда накши вафо кўзгуси жило кўринур.
Чиройи бу чаманим хорсиз гулистоним,
Бахори парваришим шому хар сабо кўринур.
Элимни кудратидан гулшан ушбу сахролар,
Зилол катраси бир дурри бебахо кўринур,
У кун куш учса, парин куйдирур биёбонлар,
Бугун тамоми чаман боги дилкушо кўринур.
Кимики халк назари меҳридан жудоланса,
Ки хар нафасда анга ранжу юз бало кўринур.
Вафо йўлида кадам Чархи бемадор ўлмас,
Хакикий дилда хамон ушбу муддао кўринур.
1942 йил.

ВАФОДОРЛАРИНГ БОР

Фаргона, сенинг марду вафодорларинг бор
Мехнатда, махоратда кўп илгорларинг бор.
Фахр айласа хар канча киши шаънингга арзир ,
Хар сафхада хам васфи улугворларинг бор
Химмат камари белда жасоратли киз-ўғлон,
Жону дили-ла техникага ёрларинг бор.
Гов учраса бир зарба билан парчалаб ўтган,
Арслон билагу, шер юрак ёрларинг бор.
Чўлларни чаман айлаган “ок олтин”и бирлан,
Мўл хосил учун пухта миришкорларинг бор.
Пилланг эса кенг оламари довруги машхур,
Пахтанг Ватаним кадри гухарборларинг бор.
Пешона терин тўкди, зафар лочини бўлди,
Бонг ургувчи майдондаги шункорларинг бор.
Хар ишда тафаккур ила ихлосу мухаббат,
Хар сохада кўп олиму хушёрларинг бор.
Сен тарбиялаб вояга еткирдинг элимни,
Беҳад сени хурматга сазоворларинг бор.

БАХОР

Хамалда ер етилиб келди бу насими баҳор,
Баҳор шабодаси жонга хузуру, танга мадор.
Мадори дилга берур завку шавк мехнатда,
Шу мехнат ишида илхом юракда турна катор.

Каторда эгнига кийгай бинафша янги либос,
Ечарда тугмаларин айласанг бу жонни нисор.
Нисор этар хама хам борини бу мавсумга
Тикиб бири узум, анжир, бириси олма, анор.
Анори шарбатидан дардманд давога етиб,
Узум сувин татиганда колур кўзида хумор.
Ватан чиройига кўшгай чирой ихлос ила
Йигитларики кўли гул, кизики лолаузор.
Узоридин ёгилур нур, бахоридан хосил,
Каторидан камимас хеч, рафику хамдаму ёр.
Унумли водий безангай гулу гулистондан,
Шу гулни дейди “ок олти” тўла фахрли диёр.
Диёр хизмати бирлан мухаббатин аямай,
На куннинг аксида зарра малол, на тунда губор.
Губорсиз дил ила ваъдага вафо айлаб,
Шараф билан бажарилгай хамиша катъий карор.
1965 йил.

МЕХРИМ БАРКАРОР

(Кайтарма бахр)

Бахтиёрман яшнаган юртимда, меҳрим баркарор,
Баркарор мендек ширин умри-ла хамма бахтиёр:
Ихтиёр эркини кўлдан яхши инсон бермагай,
Бермагай харгиз ёмон йўлларга виждон ихтиёр.
Эътибор топмок адабдин беадаблик кўп ёмон,
Кўп ёмон эл олдида ким бўлса у безътибор.
Бемадор бўлма йигитлик чогида юз товланиб,
Товланиб юз рангда бўлсанг билки умринг бемадор.
Ёр бўлур бахту саодат мард кишига то абад,
То абад хавфу хатарсиз кимки меҳнат бирла ёр.
Ошкор бўлганда кандай яхши ният бир куни,
Бир куни хар бир ёмон ният бўлур тез ошкор.
Интизор айлар вафосиз хамнишинлар ваъдаси,
Ваъдаси чин ёру дўстлар айламаслар интизор.
Бор, яхшилиқни касб айла, чарогинг ўчмагай,
Ўчмагай номинг жахонда яхши келдинг, яхши бор.
Лолазор эт, Чархий, давронингни кўнглим кел, безат,
Кел, безат даврим жахон борича бўлсин лолазор.
1966 йил.

НИГОРИМ БОР

Кетур кадахни менга сокиё хуморим бор,
Кўзимда жилвагарим накду гул узорим бор.
Етушса ишк эли ёрин висолига бир дам,

Демас жaxon элини куйдулар шарорим бор.
Тутиб вафо этагин демадим бу йўл олис,
Кечиb ўзимдин унга шукур-эътиборим.
Не гам ракиб элининг макридан не андешам,
Менга не ранжу алам, мархаматли ёрим бор,
Лабида оби хаёту, сўзида мехри вафо,
Каро кўзида хаё, ахдида турорим бор.
Нетай жaxonни бакосиз гулига йўк хавасим,
Нигохи тушса замин сахни лолазорим бор.
Хазони йўк чаман ичра килур наво Чархий,
Шу гул билан ўтар деган карорим бор.
1941 йил.

ГУЛБАХОР

Богу чаман яшнатиб, келди бахор, гулбахор,
Мехнат элин шод этиб, келди бахор, гулбахор.
Мавсуми гоят гўзал, сувлари канду асал,
Шавки-ла айлаб жадал, келди бахор, гулбахор.
Ер юзин алвон этиб, чўлни гулистон этиб,
Сахнини бўстон этиб, келди бахор, гулбахор.
Фахри-ла дер коинот, сенга тасанно, хаёт,
Кўкка учиb космонавт келди бахор, гулбахор.
Кучганимиз хар сафар, янги ютук-ла зафар,
Мўътабару бехатар келди бахор, гулбахор.
Юрту саноат учун, кўрсатиб элнинг кучин,
Мехру мухаббат-ла чин, келди бахор, гулбахор.
Мардлар улуг шонида, хурмату унвон ила,
Кудрату имкон ила, келди бахор, гулбахор.
Хар минут олтинга тенг, кадрини дурдона денг,
Хар дамин имкони кенг, келди бахор, гулбахор.
Нурли чирोगи билан, калбида чоги билан,
Сепу-саноги билан, келди бахор, гулбахор.
Ваъдага этмак вафо, хамма юракларда жо,
Мехнат учун муддао, келди бахор, гулбахор.
1966 йил.

ТОШ ОТАР

Менга ёр айлаб тагофил ўзгаларга кош отар,
Рашкидан жоним чидолмай кўзларим дув ёш отар.
Хар замон ёдимга тушса айлаган парволари,
Ўхтин-ўхтин кўкка охим ўти бебардош отар.
Тушса хар ким бошига бир ёр савдоси агар,

Аввало юз минг маломат тошини тенгдош отар.
Ишк водийсида саргардон куюндек кезма кўп,
Хар балият етса сенга йўлдаги йўлдош отар.
Розиман агёрсиз бир менга танхо ёр ўзи,
Сийнам узра жавр ўкини бўлса эрди кош отар.
Чарх уриб домига тушдим шўх экан, танноз экан,
Ноз ила текканга тегмай, тегмаганга тош отар.
1956 йи.

АЮХАННОС

Багримни пора килди бу ноз аюханнос.
Ўпкамни ёра килди бу ноз аюханнос.
Икки килиб гапимни шириллатиб лабимни
Бўм-бўш ногора килди бу ноз аюханнос.
Огу кўшиб тузимга омбур солиб юзимга
Куйган зогора килди бу ноз аюханнос.
Эндигина тузоқда ажралсам у узоқда.
Келдим наззора килди бу ноз аюханнос.
Ахли бузук санамдек кингир юрар каламдек.
Синган тогора килди бу ноз аюханнос.
Айлантириб бошимни кексартириб ёшимни
Не дардга сора килди бу ноз аюханнос.
Улфат бўлиб замонлар бермай сира омонлар.
Йиллаб овора килди бу ноз аюханнос.
Хўб кўрсатиб ўйимни тўгри турар бўйимни
Тешиб минора килди бу ноз аюханнос.
Беюз карандаларга ифлос кашандаларга
Чархий ишора килди бу ноз аюханнос.

ИНТИЗОР ЭТМАС

Кимки бахти очилса, элни харгиз интизор этмас,
Кадрдонин унутмас, хурмат айлар, асти хор этмас.
Фаросат ахлидан бўл эй, кўнгил кушдек хаволанма,
Хамокат ахлин акли бир тиник жойда карор этмас.
Бемаъни бўлса сайёд, билки бемаъни шикор этмас.
Севар ўз ёрини, аммо вафосиз ёрни ёр этмас.
Шикоринг бўлса равшан, сўнгра учсин лочининг кўлдан,
Баколик мансабу, иззатдадур элдан назар топган,
Улуглик хислати зотида мавжуд бўлмаса не суд?
Чунончи, тол ёгочин минг йўниб накшин чинор этмас.
Азиз юртингда Чархий тинчлигин шукрин бажо айлаб,
Чаманзорини чанглатмас сира калбин губор этмас.
1951 йил.

ИЛТИМОС

Йил бошидан бошланур, хар кимда хам бор илтимос,
Тавба килдим тушмагай, бошимга зинхор илтимос,
Айб эмас бир хожатин, хал айламай-чун ёлвориб,
Кимга кимдир айлагай бир ишда ночор илтимос.
Хох пиёда,хохи от сур, хохи бўл фарзин сувор,
Дархакикат, кишти-мот вақтида даркор илтимос.
Илтимосингни қабул этгувчига осон эмас,
Куйдириб, кул айлар эмиш, баъзи айёр илтимос.
Мен бировдан сўрсам, у аста кулогимга деди:
Жон биродар, хаммадан тигдори пулдор илтимос.
Ранг-барангми, илтимос навий десам, айтди кулиб,
Гохи пушти, гохи сафсар, гохи зангор илтимос.
Танда титрок, бошда хуш йўк, ёлборурсан, йўк жавоб,
Шунда бўлгай, соғ кириб, кайтишда бемор илтимос.
Гохи-гохи илтимос деб, ажрадик кўп дўстдан,
Дўстни дўстдан ажратишда бўлди агёр илтимос.
Айтинг-айтинг мард кишин номардга арзи тушмасун,
Мушкулинг хал бўлгувчи даргоҳда кўп хор илтимос.
Чархласанг хам бебизоат сўзи кесмайдур дема,
Кесгувчи, кулдургувчи, ундургувчи, бор илтимос.

ТОПИЛМАС

Хеч қандай асал қиймати халвода топилмас,
Дурдонани, бил, хар қаю дарёда топилмас,
Минг шираю шарбатни йигиб шахд тузинг ким:
Ширинлиги ул олу мураббода топилмас.
Фарход мухаббатда улуг, Кайс жунунда,
Ширинни ширин лабзи у лайлода топилмас.
Атр ила кизил гул бўйи дерларки шириндир,
Лекин сифати лолаю раънода топилмас.
Хар кайси фасл ўзгача бир рух багишлар,
Куз файзи бўлак сайри томошода топилмас.
Эй, Чархий вафо гулшанидан сув ўгириб ич!
Бу нашъу намо хар қаю маънода топилмас.
1934 йил.

ЎЛДИГИМ БИЛМАС

Нигориким мени хуснига хайрон ўлдигим билмас,
Билур ошиқлигим, кўйида сарсон ўлдигим билмас.
Қаю тил бирла васфин айтайин олижанобимни
Қаро зулфи қаби қўнгли паришон ўлдигим билмас.
Олиб аклимни торож айлади ширин табассум-ла,

Асири волайи чохи зинахдон ўлдигим билмас.
Мени дардимга дармон истама билмай масихоким,
Табибим ул пари илхоки дармон ўлдигим билмас.
Кўзим, ул ой юзига бокмасангди, зор бўлмасдинг,
Нетай энди шаҳиди тиги мужгон ўлдигим билмас
Кўнгил йўлида тутдинг кўз, кўрай деб кайта хуснин ох,
Билур хўп интизорин дилларим кон ўлдигим билмас.
1930 йил.

ГАФУР ГУЛОМГА ХАСБИ ХОЛИМ

(Гафур Гуломга арзи ахволим)
Кел, эй дўстим, сухан оғоз этиб кет,
Сухан мазмунини танноз этиб кет.
Ўтибман термулиб беморликда,
Сўраб холи дилимни, ёз этиб кет.
Оёк остида колдирмай факиринг,
Ганимат умрини, кел, соз этиб кет.
Жафоси ўтди бир мансабпарастнинг,
Нафас ур, бир Масих иъжоз этиб кет.
Кўнгил бир кун эмас, бир кун тинар деб,
Тиним йўк, сарбагиш бир оз этиб кет.
Бичиб, андозага солдим суханни,
Ўзинг андозани андоз этиб кет.
“Кабутар бо кабутар, гоз бо гоз”
эса, шул маънида парвоз этиб кет.
Наики сажда килдирмоклик истар,
Ўшандок бутни тирандоз этиб кет.
Бериб лангар чўпин, туткиз кўлига,
Йикилган Тошпўлот дарвоз этиб кет.
На дерман, дилни савдосини дерман,
Бу савдони ечиб, шарроз этиб кет.
Келишда хушхабар бирла келибсан,
Кетишда наърали овоз этиб кет.
Бу мушкул хола тушганларга хомий,
Ўзинг, кадримга ет, эъзоз этиб кет.
Ўкиб “Гулёр”, гахи “шахноз” этиб кет.

МЕНИ ХАРЁНА ТАШЛАБ

(мувашшах)

Кўринмай бизга жоним мавхи дийдор этмадингизму?
Мани хар ёна ташлаб ўзгани ёр этмадингизму?
Ракиблар илкида санги маломат бирла куксимни,
Тешиб мажрух кўнгил бирла афгор этмадингизму?
Умидим шулмида сиздан, аё эй махваши танхо,

Нечук аввалда менга ваъда изхор этмадингизму?
Майи васли сафодин хасратки тотмадим зарра ,
Бизингдин ёширун агёра ошно этмадингизму?
Тамоми танда жоним васл муштоки жамолингиз,
Ки хижрон оташига куйдируб зор этмадингизму?
Халос этмок бу хижрон оташидин сизга осондур,
Неча ранжу аламдин бизни бемоор этмадингизму?
Очиб барки жамол кавкабингиз шуъласини элга,
Бу гамдин йиглатиб хар кеча бедор этмадингизму?
Не бўлгайким, камина арзи ихлосин эшитсангиз,
Ки ишк бозорида бизни харидор этмадингизму?
Неча ким номингизни харфини назмига жо этди,
Дилингиз тортибон Чархийни хуштор этмадингизму?

ХАБАРДАН БУ

(Гафур Гуломга мактуб)

Хати расмона эрмас номаиким хуш хабардан бу,
Эмас тулнинг чирोगи, равшан шамсукамардан бу.
Назокатда ниhoли сари ўз даъвосидан кечсин,
Нафосатда чиройи жумлалар, дурри гавхардан бу.
Согинган кўрмай аввал, хатларингни айтки ким кўрсин,
Умр боки эса лаззатда у, бодоми тардан бу.
У илхомимга илхом кўшса, бу мактуби жонпарвар,
У маргуби кўнгил бўлганда, манзури назардан бу.
Кариб, ёшим етиб олтмишга кўзлар хранок ўлмиш,
Зиёбахш ўлди мужданг, ё магар кухлул-басардан бу.
Топиб бир базми гулхан, Чархий, юз кайта ўкиб насринг,
Сенинг ёдингда куйлаб кечалаб ёзган асардан бу.

НАВО БЎЛУРМУ

Безавк наво-наво бўлурму,
Бенур хаво-хаво бўлурму.
Олтин эмас эрса асли зоти,
Мис рангли жило-жило бўлурму.
Дил ойнадирки, сайкали йўк,
Кўзгуда зиё-зиё бўлурму.
То дўстингда дилни пайванд этмай,
Хеч сидку сафо-сафо бўлурму.
Хар йўлда йўловчи хамдам эрмас,
Хар жони фидо-фидо бўлурму.
Ишк ахли умид ила чекар ох,
Ёр бўлса жудо-жудо бўлурму.
Маъшук иши ноз ила тагофил,
Ошикда хато-хато бўлурму.

Гар бокмаса сарвиноз киёлаб,
Бир тарзи нигоҳ – нигоҳ бўлурму.
Икрорига кўнмаса ўжар дил,
Инкори раво-раво бўлурму.
Иффатли дилинг-ла шарм тутгил,
Чимматли хаё-хаё бўлурму.
Мумкинки, корайса сурмадан кўз,
Хар кўзи каро-каро бўлурму.
Юз ваъдага бир вафо кўринмас,
Пуч ахли вафо-вафо бўлурму.
Шўрхок заминда парваришсиз,
Бечора гиёҳ-гиёҳ бўлурму.
Бонг урмаса жону дил билан ким,
Чархий, бу Сафо-сафо бўлурму.

ДИЛДОРИ ШЎХ

Мунча хам кўнглимни севган ёри шўх,
Хар нигоҳида кўзин хуммори шўх.
Кўйса охиста кадам гул сайрига
Меҳри жўш урса кўринг рафтори шўх.
Ўтмикан, зухромикан ё юлдузи,
Ўртанур жон, оташин рухсори шўх.
Белга ташлаб майда-майда кокилин,
Юрса тебрангуси зулфин тори шўх,
Товланур хуршид мисоли орази,
Шуъласидан яшнаган гулзори шўх.
Кўрсатиб ахду вафонинг расмини
Гохи лутф этганда, гох озори шўх.
Чархиё, ўткарма сўзинг хаддидан,
Чунки хар мазмунда бир гуфтори шўх.
1968 йил.

МЕН КЕЛАМАН СОГИНИБ

Мен келаман согиниб, ёр канорингни оч,
Сенга учай куш бўлиб, богу бахорингни оч.
Ёр, жамолинг кўриб лахза кувонсин кўнгил,
Чертма кабогинг, кулиб лутфи нисорингни оч.
Кўрса чаман булбули сенга тасанно десик,
Бахтли кулиб, яшнаган лола узорингни оч.
Дафтари хуснингдаги хол у вафо шохидим,
Гул юзинг аврокидан ахду карорингни оч.
Чархий гулистонингга келди наво соз этиб,
Куйла, кўнгил севгиси, дилдаги борингни оч.
1928 йил.

КУЁШ

Нур сочар оламга беминнат зару зевар куёш,
Ердан инъоми жавохир яъни кони зар куёш.
Мўътабар инсон мукаррам зот учун ҳам хар нафас
Бахш этар дунёча лутфин мавжидан гавхар куёш.
Хар чаман ундан латофат касб этар, ундан камол,
Хар варак гул баргидан гўё очар дафтар куёш.
Катралардан тўлса дарё, заррадан ёгду йигиб,
Меҳрибон эл боши узра зар сочар заргар куёш.
Ой жамолин шуъласидан берса гулларга чирой,
Нозу неъматларни айлар шахд ила шаккар куёш.
У билан равшан жахону, у билан оламда жон,
Жисм учун гар бўлса дармон, дил учун дилбар куёш.
Безавол ахкоми акли то абад, деб пойдор,
Курди мустахам бу янглиг каср учун минбар куёш.
Чархий, рамзу ишорат бирла инсонлар учун
Ўргатур меҳру вафо расмин вафопарвар куёш.
1977 йил.

ТОП-ТОЗА КИШ

Кор эмас, дон ёгди кўкдан, шул сабаб топ-тоза киш,
Куз кетиб ноз уйкусидан, айлади хамёза киш,
Кузги хосилдан тамоми меваларни асрабон,
Кўйнида саклар “есин” деб эл буни то ёза киш.
Катта шудгор ўсма кўйган кош янглиг барк урар,
Вакти етгач, кордан тортар юзига гоза киш.
Гохи у чертар кабогин , гохи магрур ишваси,
Худди ўхшар маст истигноли бир танноза киш.
Бонг уриб, сарсар шамоли келса-келсин, деб ётар,
Шул сабаб андозасига бўлди беандоза киш.
Гох бахор айёми янглиг оби-тобин кўрсатур,
Яъни меҳнатда чиниккан чўлкувар шаввоза киш.
Айлагай оламга ибрат марду голиблар ишин:
“Ишда ҳам жангда чиниккан мард-бу “, деб овоза киш.
Киш гамин ким еб саранжом этмаса кузги ишин:
“Аттанг ойим” келдилар, деб ланг очар дарвоза киш.
Бегубор кўнгил каби, Чархий, мусаффо иклиминг,
Арзигаёй, хар канча ёзсанг хурмату эъзоза киш.
1977 йил.

ОШ-ПОШ

Бергуси ожиз юракка йўлда чин йўлдош-дош,
Бўлмаса идроки бўлмас, катта хар бир бош-бош.

Хар нечук бемехр одам ёзса дастурхон агар,
Катра сув ичмас-емас оч колса хам фаррош ош.
Тоза ўтказ галвирингдан дону дунин яхшилаб,
Чикмагай ошингда тишни синдирар бир тош-пош.
Яхши ният-ла биров гул ўтказур мехнат билан,
Бир гул ундирмай узуб гул, дер биров мен ёш-ёш.
Ош дебон ошма маишат томига зинхорким,
Чунки истигно сирина айлар у шундог Ош-фош.
Дидли бир суратгар иста кўзу кош пардозига,
Кўз чикаргай йўкса кўйдим деб чала наккош-кош.
Чархий, тамсилини равшан этгали ахбоблар,
Яхши мазмунлар атаб, то берсалар кенг ош-кош.

ТАРБИЯ

Энг улуг инсонга аввал тарбия,
Тарбиядан эзгу холим деб жўя.
Бир бино сол, у бинодур яхшилик,
Яхши ният-ла кўяр хар уя.
Гам е авлодинг учун, инсон эсанг,
Нафс деб ўргамчидек тортма уя.
Юрма бемехнат текинга дом кўюб,
Турма бехизмат, шу такдирим дея.
Чин сахийлик нисбатим десанг агар,
Катта оч дарвозани килмай кия.
Шунча савлат бирла гумрохлиг надур,
Бошла йўл, дер, бир эшакка, юз туя.
Тикланиб ётган матодан ол хабар,
Кўр, мабода тушмаган бўлгай куя.
Окни кора айламакка хад керак,
Кора дил ок бўлмагай, минг йўл бўя.
Урса нохак ким йикилгонни яна,
Чархий, сен бор, йикилгонни суя.

ЧИН ИШТИЁК

Дилда пайдо бўлса гар чин иштиёк
Окил инсон изланиб топгай маёк.
Ота-она кадрили тутса баланд.
Ушбу фарзанд тортмагай дарду фирок.
Элу юртингни азиз тут, тупрогин
Кўзга суртгил, сўнгра сен дунёга бок.
Зарни мисдан ажротолмас бўлса ким
Бу хаётдан хеч ололмайдир сабок.
Чархий, Комилларча имдод айладим
Айтинг-айтинг, солмасин агёр нифок.

18 сентябрь 1973 йил

ОНА АЗИЗ

Она азизу мукаррам, она дилинга чирог,
Тушурма фарзанд эсанг, калбига аламдин дог.
Ота-онанг шарафинг, боиси вужудинг дур,
Сабабсиз олам аро келмади бирон тирног.
Суёнгучинг икки зот, кўксига етурма ситам,
Нураб хаёти, хазон бўлмасин суёнган тог.
Онангни ранжита кўрма хаёли фарзанд эсанг,
Уйингни булбули бўл, бўлма бадтарин чун зог.
Хама баробар эрур, деб ёмонга бўлма якин,
Баробар бўлмади инсон кўлида беш бармог.
Юзига тик карамас бўлмаин деса осий,
Сўзига мин токибон айламас фирок-димог.
Губоирни сийнадин иргит, дилингни пок айлаб,
Онанг ризо эса сендин, хамиша вактинг чоғ.
Назарда дўст сўзин, Чархий, захар демагин,
Алам килурму ниш урса бериб шакар янтоғ?

БУЛБУЛ ЭРСА

Келтирар элга надомат нафс учун сайёралиг,
Минг балога юзланиб хам юз туман оворалиг.
Яъни номард хонидан миннатли ютган нондан,
Хар нечук давлатдин ортик бекасу, бечоралиг.
Хар као нодон не билсин сухбату сўз кадрили,
Айлагай у дилни гавхар порасин юз поралиг.
Халк ризоси кимё айлар вужудингни кўнгул,
Келтирар эл ранжиши хар кимга бахти коралиг.
Булбул эрса хамнишининг зогдек савт айлама,
Сухбати минг боралик бўл бўлмагин бир боралиг.
Панди окил сурат ороларга таъсир айламас,
Зохири инсонга ўхшар, калби махзи хоралиг.
Шивага лаб очма, Чархий, тут сабрнинг доманин,
Син бутунга бут-бутун бўл, ёрликка ёралиг.
1918 йил.

САОДАТ АХЛИ

Саодат ахлиму эл манзили улуг даргох,
Хамиша бахт унинг холидин бўлур огох.
Дил у тилида вафо расми бу замона элин,
Килур бири бирига меҳрибон назарда нигох.
На гам дилида, на кайгу бу давр ахлида ким,

Ўз эрки шохидидур толеи хамиша гувоҳ.
Чикар тараннуми ушшок висол бодаси-ла,
На хажр шомида андух, на васл уйида ох.
Муборак эл қадами кайси чўл аро етса,
Етушди шул куни гўё қарамли пушту паноҳ.
Чикарди ташна замин багрига чин обихаёт,
Кўкарди кўксида хар ранг шифоли меҳри гиёх.
У бир гиёх демайин бу дуру жавохирлар,
Кўринди кўзга, ок олтин мисоли меҳр ила мох.
Татиб тузин бу муқаддас ватанга ким хоин,
Залиду хору надомат билан ўтар гумроҳ.
Самимий ният ила Чархийе қалам тебрат
Хамиша халк мададгору менга бахт хамроҳ.

МАСНАВИЙЛАР

ЁН ДАФТАРДАН

Ёр бўлма болам хуснфурушга,
Кўшма асалинг хамиртурушга.
Хар кимга хасад билан сўз отма,
Меҳмонни ёмон килиб қузатма.
Кесма тугамай биров сўзин ҳеч,
Бу бемаза фаҳм бахридан кеч!
Ош келса товокни эгри сурма,
То тўйгунча, еб, яна нах урма.
Мажлисда хавойи отма хуррак,
Зехни югурурга, бўл югурдак!
Эсновда огизни очма, қаррак,
Енгингни огизга тўсгин андак.
Мард бўлсанг адаб билан улангин,
Хар жойда этакнинг қокма чангин
Кеккайма бошингни салча хам қил,
Юриш-туришингни камхашам қил.
Чап кўз хафаланса ўнг кўзингдан,
Сўргил сабабин ўзинг-ўзингдан.
Ойнага бок қараб юзингга,
Бер майли бахони ўз-ўзингга.
Танглик билан қийнама ўзингни,
Чехрангни очиб дегин сўзингни.
Озода маконни айлаб ифлос
Боз устига тортма айюханнос.
Пат-пат араванг дамин ўчиргин,
Ё бўлмаса қўшнини кўчиргин.

ФАРЗАНДИМГА НАСИХАТИМ

Агар фарзандим эрсанг, эй жигарбанд,
Хамон жону дилинг бирла эшит панд.
Сенга каттик сўз айтсам, англа юмшок,
Йўлингда баъзи йўл боткогу тайгок.
Качон юрсанг йўлингни тозалаб юр,
Кадамни йўл билан андозалаб юр
Тойилма нафсни деб зинхор-зинхор,
Ёмон улфат тойилтирмокка тайёр.
Уятсиз ким эса, сен унга ёт бўл,
Фалокат йўлга бошлар, эхтиёт бўл.
Такаббурлик билан бокма бировга,
Ўзинг айбингнихам токма бировга.
Кадрдон сўзини тинглаб кулок сол,
Ёмон андишани ўздан йирок ол.
Кишининг бахтидур одобу ахлоқ,
Кишиларнинг гўзал ахлокига бок.
Эрур одоб кишин хусни, жамоли,
Чиройли хулк унинг бахту камоли.
Адабдин юз ўгирмас яхши фарзанд,
Ёмон ҳеч яхшига бўлмади пайванд.
Хаётнинг лаззати, кадри-шу одоб,
Каерда меҳрибон дўст бўлса, сен топ.
Каю инсон йўликса меҳрибон бўл,
Ёмондин ўзни сакла, то омон бўл.
Зарарли ҳар хавасга берма кўнгил,
Адашма яхши йўлдан, чин сўзим-шул.
Кечирма калбаки харгиз хаётинг,
Жахонга колдириб кет яхши отинг.
У дамдин то бу дам бедор келдинг,
Хамон хушёр кет, хушёр келдинг.

БАХОР ТОНГИ

Тонг ёришди, куёш чикди мағрур,
Сочди олам юзига заррин нур,
Дил унинг нуридан зиёланди,
Шуъласидан Ватан жилоланди.
Зарра – зарра сочарди нур куёш,
Товланарди шу дамда тоғу- тош.
Хар хавасли кўнгулда завкли баҳор,
Хар чаман гул бисотидин гулзор.
Дил ёругдир баҳор кўкламидин,
Файз олур хавонинг шабнамидан.
Лолалар тугмасини тугмишдир,

Барг ёзиб гул шохини эгмишдир.
Мевалар ранг-баранг тўкиб гуллар,
Ёзилур кўрганида кўнгиллар.

НАВРЎЗ ШАРАФИГА

Эй шодли кўнгил зафарли хома,
Ёз наврўз учун шарафли нома.
Икболи баланд замонамизнинг,
Хар оила, ота-онамизнинг.
Биз бахтли, улуг бу хур замонда,
Тарих кўзи кўрмаган жaxonда.
Бемисл хаётимиз фаровон,
На гам дилимизда-ю, на армон.
Хар чехрада файз навбахори,
Хар дилда ватаннинг ифтихори.
Бог сахнида гунчалар юз очди,
Анвойи чаман бўйини сочди.
Кўргач хамма дўстлар кувонгай,
Бир-бирига мухаббат ўти ёнгай.
Инсонга ганимату вақти чоғлик,
Бир-бирлари бирла иттифоклик.
Тўй устига бўлса янги тўйлар,
Обод махалла кўча-кўйлар.
Хар чолу кампир хумори яхши,
Бакирок туяларнинг бори яхши.

ШИФОХОНА

Эшитинг дўстлар-кадрдонлар,
Калби пок чехраси гулистонлар.
Келдик ушбу маконга-нону насиб,
Сог яшайлик, умримиз ганимат деб.
Бунда ўз эркидай топиб имкон,
Дам олур хам шифоланур инсон.
Мутахассис неча шифокорлар
Дард элин дардига давокорлар.
Хар томондан бу ерда дўстлар жам,
Хаммамиз хам шифоланиб, бардам.
Орамизда неча аёллар эди,
Хўб расо фикри баркамоллар эди.
Бирлари меҳрибону жонпарвар,
Бирлари олима, бири рахбар.
Бирлари олими забардастдур,
Калбимиз калбларига пайвастдур.
Биримиз кўп хунарга мохирдур,

Бири камтар, камина шоирдур.
Бизга манзил бугун шифохона,
Хашаматли, чиройли кошона.
Кўкраги токка мутассил эркан,
Файзли, хуш хаво Водил эркан.
Устида жилваланса кўхсори,
Пастида ям-яшил дарахтзори.
Бегубор, кенг хавоси, чашмалари,
Зарра-зарра сувида чашналари.
Кайга кўйманг кадам – шинам жойлар,
Шаркираб, эркалаб окар сойлар.
Яъни олий биноси икки кават,
Хар кават хона гулшани жаннат.
Тўшалиб йўларо пояндози,
Берилар кунда янги пардози.
Катта айвон чиройли ойинабанд,
Хамма эшикларда гулпайванд.
Чарх уриб келдимү даволандим.
Дард кетди, шукур, шифоландим .
25 июль 1970 йил
Водил санаторийси

КИЗИМ МЕХРИХОНГА

Аввалги саломимнинг сўнги сози,
Навбатдаги чархнинг овози.
Ота-она меҳрисен, валекин,
Максадинг камоли аста-секин.
Жон болам-саломатинг тилайман,
Хар дамда саодатинг тилайман.
Шеърий хатимни хавас этибсен,
Улгуржи мурод учун етибсен.
Аммо бу, газал ширину аччик,
Гохи бўлур ва гохи санчик.
Сен косиб ипакчининг кизисен,
Сал хомсану пишсанг-илдизисен,
Пишмоглигинг истасанг агар кўп,
Кўп кайна хаёт козонида хўп,
Ип хам пишиса бўлур у махкам,
Мазмуни ипақдан бўлмагай кам.
Мазмунсиз агар пиширса ким ош,
На танга хузур берар, на бардош.
Кам айла хавас, хароратингни,
Илм ила ошир махоратингни.
Хар касб-хунарда бор риёзат.
Ранж чекмаса топмагай камолат.

Тобингни баланд килу бўшашма,
Хаддингда туру тўкилма-тошма.
Билгандан ўрганиш эмас ор,
Билмакка ким этди ор, колур зор,
Мен бору сенга шу хил сўзим бор,
Ранжима кизим, сўзимга зинхор.
Бўлма сира ноумид, умид ила кайт,
Ёшлик чоги билки, бебахо пайт.
Хар кимга хам астар-аврамасман,
Жог чарчади, энди жаврамасман.
Хайр энди, сўзимни киска айлай,
Бу киссада сўзни хисса айлай.
Мендан хаммангизга хам саломим,
Етсин бу варақдаги паёмим.
Хар лахза дуода ёд этурман,
Бу ёд ила дилни шод этурман.
Ёзди бу газални киблагохинг,
Сернашъа хаёт учун гувохинг,
Салом билан даданг Чархий.
1961 йил 26 март.

МУРАББАЛАР

СОГИНДИМ, ЭЙ ГУЛ

Согиндим, эй гул, сенинг жамолинг,
Каро кўзингдин кўнгил узолмай.
Кел, эй нигорим, кўзи хуморим,
Хумори бўлдим сени кўролмай.
Нихоли гулдек бу кадди бастинг,
Ёнар кўзимда нигохи мастинг.
Бу ишк ўтининг хароратидин,
Каламни олдим чидаб туролмай.
Каю нишони мижжангнинг ўки,
Кадалган эркан юракларимга,
Жудолигимдир бу бир тарафда,
Азоб этарким бу гам тузалмай.
Жахони олам менга кулурлар,
Бу беҳабарлар нечук билурлар,
Каро кўзингдин, ширин сўзингдин,
Мена ўзингдин алар буролмай.
Эсиз у дамлар мохи жамолинг,
Тунида жоду кўзинг кизартиб.
Хануз кўнгилдан кетар бу армон,
Кизил шаробинг куйиб беролмай.

Дема, кўй энди хавасларингни.
Согиндим оташ нафасларингни.
Етарга йўқдир танимда дармон,
Икки кўлимни тияб туrolмай.
Хамиша Чархий сўзингга вола,
Сабога арзинг килиб хавола,
Юборди косид кўлидин, эй гул,
Согинганидан чидаб туrolмай.
1926 йил.

БАЁН ДЕРМАН

Дўстлар, чин кўнгил арзин
Айлайин баён дерман.
Хар яхши-ёмондан хам
Бир ному нишон дерман.
Тўгри йўл баколик йўл,
Мард эсанг вафолик бўл.
Кингир бўлма оламда,
Топмайсан омон дерман.
Ёлгон элга ёт бўлгай,
Ростликда нажот бўлгай.
Эгри йўл сири бир кун
Бўлгуси аён дерман.
Дунё сенга жон бўлса,
Ниятинг ёмон бўлса,
Максад тогидан ошмай,
Агдарур доvon дерман.
Элни интизор этма,
Чўп бўлса-да, хор этма,
Зарра элни хор тутсанг,
Турмушинг гумон дерман.
Тинч бўлай десанг сен чин,
Бузмагин биров тинчин,
Тинч хаёт учун билгил,
Маили кетса жон дерман.
Хох ёшу кари бўлгин,
Одам гавхари бўлгин,
Инсонпарвар одамга
Хамма меҳрибон дерман.
Номардда вафо бўлмас,
Чин дўстлар жудо бўлмас.
Аввал ёр бўлиб, охир
Айрилган ёмон дерман.
Чарх уриб жахон кездим,
Дилга билганим тиздим.

Яхшиларга ёндошдим,
Топмадим зиён дерман.
1961 йил.

ВАФОДАН - ВАФО

Иста кўнгул ёр эсанг
Калби сафодан-сафо.
Бўлма якин, тегмасин
Багри кародан – каро.
Сидку сафодан топар
Бахра дилинг кўзгуси.
Йўкса жафо келтирур
Кизбу риёдан-риё.
Элга очик чехралик
Бахту саодат эрур.
Жонга халоват берур
Шарму хаёдан-хаё.
Кимга не оханг ила
Бунда нидо айласанг,
Унда кулогингга шу
Акси садодан-садо.
Дардга чучук тил-даво
Хар неча бемор учун.
Ол кидириб, ёлбориб,
Сўзи шифодан-шифо.
Богла вафо риштасин
Бўлса чин ахбоблар.
Айлаб ўзингни мудом
Мехри жудодан-жудо.
Давр омон бермагай
Кимки бадахлок экан.
Чунки ёмон топмади
Яхши даводан-даво.
Колса хаётингда бир
Мехнат, илм, эзгу ном.
Юрту элинг бўлгуси
Халки ризодан-ризо.
Чархий, мудом яхшилар,
Макдами тупроги бўл.
Етса сенга шояд ул
Ахли вафодан-вафо.

МАЛОХАТ

Э нозанин дилбар, кони малохат,

Хеч етмасин нозик каддинга офат,
Рухсорингдан тўлин ой хам хижолат,
Сенга жоним билан килдим итоат.
Бошла ёрим, ўзинг юрган гулшанга,
Шахло кўзинг тушган гўзал чаманга,
Тасаддук жон сени кучган Ватанга,
Кўзим тўймас, килсам сайру саёхат.
Кўнгил куши учди сенга хаволаб,
Етмак учун сайр айлади фазолаб,
Хуснинг шамъин атрофидан киёлаб,
Чарх урарман парвонадек нихоят.
1960 йил.

САДАГАНГ КЕТАЙ

(Собир Абдулла мактубига жавоб)
Сен ўзинг кечир мени, Собиро,
Азиз улфатим, садаганг кетай.
Тилагим мудом сенинг сихатинг,
Хабарим-хатим, садаганг кетай.
Узайин десам неча карзимни,
Сен эшитмадинг менинг арзимни.
Чўзилиб кетиб касалим ахир,
Йўк халоватим, садаганг кетай.
Кўтарурга дард юкини нетай,
Жасадим филу суягим пўлат –
Эса кошки Бобо тогидек
Кадду коматим, садаганг кетай.
Бунинг устига шимариб билак,
Ёгаверди кор, “кўтариб этак”
Чика олмасам кўча-кўй аро,
Бу маломатим, садаганг кетай.
Менга бир акам килибон шама,
Деди: кор билан хазил ўйнама.
Ана таъналар, хира нагмалар,
Бу маломатим, садаганг кетай.
Тутаган каби карагай ўтин,
Кора мўридан чикарар тутун
Ўшаларга боп, ўшаларга хос
Менинг нафратим, садаганг кетай.
Ўзини кўрар, ўзини севар,
На тўсиндир у, на устун, ажаб,
Ўзига ўзи беришар бахо,
Гала савлатим, садаганг кетай.
Мўралаб куёш хамал авжидан
Сочибон чикар у ёруг нурын.

Мана энди ёз яна мўл унум,
Каватим-катим, садаганг кетай.
Хамма дўст-ошно бир кўзу кошлар,
Карилар учун суюнчик ёшлар...
Яна Чарх уриб тилагим камол,
Бири Завкию, бири Нисбатим,
Бири Фуркатим, садаганг кетай.

КИТОБ

Билдим, башар дунёсида
Жисм ичра гўё жон, китоб.
Жондан азиз не бўлса хам,
Ундан ширин жонон, китоб.
Ундан мудом кўзларга нур,
Илму адаб, онгу шуур,
Дилга хузур, жонга сурур,
Кадрин билар инсон, китоб.
Зийнатланур ундан хаёт,
Фан олами хам коинот,
Ундан сабот, ундан канот,
У бир жахон, бўстон-китоб.
Хар богни булбул, зоги бор,
Гохо хазондан доги бор,
Аммо элим бир боги бор,
Доим бахористон - китоб.
Хар субху шом хамрох ул.
Кундуз куёш, тун мох ул,
Ким севса гар огох ул,
Дардинг учун дармон, китоб.
Чархий, китобдир хамдаминг,
Хам хамдаминг, хам махраминг,
Завк бирла тўлган хар даминг
Мехмон хам мезбон хам китоб.

ЭЙ КЎНГИЛ

Эй кўнгил, ихтиёр килсангчи!
Киссаи гулузор килсангчи!
Химматинг сад-хазор килсангчи!
Токи жонга мадор килсангчи!
Нега бир гул фидоси килмишсен,
Бодадек бир кадахда тўлмишсен.
Ёшлик жомидан тўкилмишсен
Кайтадан баркарор килсангчи!
Шоми хижрон кетар, нахор келар,

Ёр келар-ёр билан мадор келар,
Киш кетиб, ёз билан бахор келар,
Кишни ҳам лолазор килсангчи!
Тилагим-бахти безаволи учун,
Талабим кадр ила камоли учун.
Мен-ку бир мунтазир висоли учун,
Уни ҳам интизор килсангчи!
Колдириб яхшилар ширин ўйини,
Элга таркатмайин хасад бўйини,
Хасад этган ракибларим уйини,
Гам билан тор-мор килсангчи!
Гарчи сочим окарди кор янглиг,
Лек кўнглим хамон бахор янглиг
Чархийё, гул тутарда ёр янглиг,
Камтаринлик шиор килсангчи!
1977 йил.

НАБИРАМ НОДИРЖОНГА

Нодир, сенга мендан салом
Сендан хизмат биздан калом
Соглигингни тилаб мудом
Омон бўл, дер опогдаданг.
Узоқдасан, кўнгил якин
Хаётимиз тинч-йўл якин
Хам йўл якин, хам дил якин
Эсон бўл, дер опогдаданг.
Постингда бўл хушёр болам
Зийрак бўлу хар бор, болам
Ватан учун даркор, болам
Полвон бўл, дер опогдаданг.
Ким сенга бош, ажрин бажар,
Асло, асло бўлма ўжар,
Ким тўғридир бахтни кучар,
Инсон бўл, дер опогдаданг.
Юрт фаровон бенихоят,
Жонинг билан этгин хизмат,
Хизматингга килма миннат,
Чаккон бўл, дер опогдаданг.
Хатинг кўриб этдим ижод,
Бувинг ўкиб хўп бўлди шод,
Сени доим айлармиз ёд
Эсон бўл, дер опогдаданг.
Дўстларингга мендан салом,
Хам рахмату хам эхтиром,
Бўлиб доим хуш интизом.

Достон бўл, дер опогдаданг.
17 март 1977 йил

МУАЛЛИМЛАР

Йўллагаймиз беҳад салом,
Эй меҳрибон муаллимлар.
Таъзим сизга калбимиздан
Жахон-жахон, муаллимлар!
Хаётимиз интизоми,
Бани башар эхтироми,
Сиздан тўлар мақсад жоми,
Жонга дармон муаллимлар.
Сиз мураббий инсон учун
Хар толиби урфон учун,
Рахнамосиз виждон учун,
Калби бўстон муаллимлар.
Сиз-богбон, биз-богингиз,
Хамиша кўз карогингиз,
Тўтиё-из тупрогингиз
Бизга хар он, муаллимлар!

КИРИБ БЎСТОННИ КЕЗДИМ

Кириб бўстонни кездим аста-аста,
Чаманнинг булбули гул хори аста.
Кадингга нозанин гул даста-даста,
Жамолинг кўргали олам хавасда.
На жонда оразинг бўлди Хувайдо,
Кўнгилда меҳру ишкинг бўлди пайдо.
Бинафша кокилинг бўйига шайдо,
Санобар кадди шамшодинга баста.
Такаллум богида тўтини боглаб,
Гирифтор айлади кўксини доглаб,
Чаман булбуллари ёнингда йиглаб,
Сенингдек гул чекар кумри кафасда.
Аламлидурманки багрим эзарман,
Сени деб дашту сахрони кезарман,
Тахайюр кунжида равнак кезарман,
Кулинг Чархийга нозинг бўлди баста.

МУХАММАСЛАР

ЗЕБО КЎКОН

(Мушоира)

Эй азамат хур Ватан, болангдир зебо Кўкон,
Назму наср гулшани, санъати аъло Кўкон,
Барча юраклар сенинг завкингга ошно, Кўкон,
Калбида чин маърифат нурлари пайдо, Кўкон,
Шеърият иклими деб айладик иншо, Кўкон,
Нодира, Махзунанинг даврада кадри баланд,
Бир неча хаттотлар сенга бўлиб меҳри банд,
Шори Мирзо, Гариб, Хамза, Замирий, Писанд,
Мард элим илхомидан шеърининг мазмуни канд,
Мадхинг учун анжуман айлади пайдо, Кўкон.
Тингламади кар давр ахли каламдан тониб,
Бўлди Ватандан жудо Фуркат ўтиб, ўртаниб,
Хужрада нур истабон кетди Муқимий ёниб,
Завкий ёвуз бандида ётганда тўлганиб,
Берди замонам сенга эрк ила оро, Кўкон.
Кунда чиройинг очар марду вафодорларинг,
Олима, олимларинг, ишчи фидокорларинг,
Кўшгай умрга умр яхши шифокорларинг,
Янги хаёт дарсини берди зиёкорларинг,
Хар бири фан машъали –бу Али Сино, Кўкон.
Минг яша, юрту элим, мадху тарона сенга!
Хурмати соз тарбиянг, раҳматим, она, сенга!
Шеърга башар рағбати – меҳри нишона сенга!
Кутлуг пешонанг силаб бокди замона сенга!
Халк севади шу сабаб хуснингга шайдо, Кўкон.
Пиру бадавлат хамма, кўрку жамолинг тилар,
Фахри баланд кекса-ёш, кампиру чолинг тилар,
Шарбати оби хаёт мавжи зилолинг тилар,
Ёнида Комил билан Чархий камолинг тилар,
Гуркира тўлкин уриб, нисбати дарё, Кўкон.

КАЛАМ МУСТАЗОДИ

(мухаммас)

Хаётим ичра ўзинг олий химматим, каламим-
Ки, сохиби карамим.
Кўнгилнинг дардига хамдард, улфатим, каламим,
Хамон фарахли дамим.
Умринг лаззати. Файзу шарофатим, каламим,
Хазинасан деганим.
Дилимда оташи ишқу, хароратим каламим,
Хамиша истаганим.
Кезарда фикрим очиб, бирга сайри бог киласан,
Гамим йирок киласан,
Когозда йўргалашингдан дилим булок киласан,

Сериштёк киласан.
Неча гохи адашсам, тутиб сўрок киласан,
Мени синок киласан,
Сахифа устида нозик ишоратим, каламим,
Биной мухташамим.
Кўзимга нур , дилимга суруру танга мадор.
Хамиша лайлу нахор,
Сўзимга хусну юзимга зиё, бу хакли шиор,
Ташаккурим минг бор,
Мухаббат ахлининг хар базмида вафоли нигор,
Инок, хамдаму ёр,
Сенинг билан кишу ёзим хамишадир гулзор,
Туганмагай зинхор,
Сенинг билан бу хузуру халоватим, каламим,
Хаёти мунтазамим.
Сени авайлаб, ўзимни килиб фидо тутаман,
Шу муддао тутаман,
Ўпиб-ўпиб юзу кўзга суриб бажо тутаман.
Дилимда жо тутаман,
Бахилнинг илгида бўлмокни, нораво тутаман,
Унга асо тутаман,
Сахий кўлин узатур бўлса мархабо тутаман,
Билиб раво тутаман,
Камина Чархийга айни саодатим, каламим,
Вафоли мухтарамим.
1960 йил.

БИР ЛАГАНБАРДОР МАЙПАРАСТГА ДАККИ

Сенинг саргузаштинг баланд, гохи паст,
Кеча сўфи эрдинг, бугун майпараст,
Тинимсиз ичардинг, бўлиб маст-аласт,
Юзинг заъфарону ўзинг дастма-даст,
Шу ўтмишингга нима хам дейсан,
Гапирай дейсану гапиролмайсан.
Куллоби нафасинг кенг Бухорогача,
Ютардинг нахангдан аждахогача,
Агар Поп ўлмаса Сирдарёгача,
Окибат етибсан шу савдогача,
Дилинг йўк, тилинг йўк, нима хам дейсан,
Гапирай дейсану гапиролмайсан.
Амал авжида иш тарокко-турик,
Вале одамиятда сурпанг курук,
Чўзилса, кўпайди неча эл уруг,
Чўзилди, чўзишмас эса йўл-йўрик,
Бало иблисисан, нима хам дейсан,

Гапирай дейсану гапиролмайсан.
Ишга йўк, улушга жуда чакконсан,
Бир куни тулкисан, бир кун коплонсан,
Сув окар томонга караб оккансан,
Мушукдан без тилаб, безга ёккансан,
Бир улуг даргоҳда кўтир эчкидек
Сурканиб колгансан, нима хам дейсан.
Иш берди ишингга бу елимлигинг,
Шайтонни дарсидан ё билибмидинг,
Айбингни яширди “патхалим”лигинг,
Билинмай кетди-ку беилимлигинг,
Хар қандай нафракнинг кир либосига
Бурканиб олгансан, нима хам дейсан.
Бир касбинг игвогар, фасод турмушинг,
Бировлар тинчини бузишдир ишинг,
Ўтар гамда ёзинг, аламда кишинг,
Зарардур, зарардур бутун килмишинг,
Гапир, эй балохўр, нима хам дейсан,
Гапирай дейсану гапиролмайсан.
Оиланг, фарзандинг хижолатдадур,
Мабодо одобга еткизса путур,
Ўзинг беҳижолат, уйинг беҳузур,
Гинг этсанг, дегайлар ўзингга гапир,
Чунки, сен ичовриб, лаънат лойига
Беланиб кетгансан, нима хам дейсан,
Гапирай дейсану гапиролмайсан.

КЕЧАСИ

(Сурманисо газалига Чархий билан Комил Жўра мухаммаси)

Тун корнгусидан ўтгай шоми хижрон кечаси,
Ёр васин топмаган ошиққа армон кечаси,
Партави хуснингни ташлаб лутфу эхсон кечаси,
Базмдин бепарда чик зинхор жонон кечаси,
Оразингдин бурка оч эй , мохитобон кечаси.
Килгуси каршингда таъзим у фазо Зухроси хам,
Хар дам эл аклини олмиш коматинг зебоси хам,
Эгма кошинг ханжари хам, кўзларинг шахлоси хам,
Кўнглими ошифтахол айлар сочинг савдоси хам,
Сунбулингни килмагил эй, гул паришон кечаси.
Куймасин шамъи висолингни нихон тут халқдин,
Лабларинг устида холингни нихон тут халқдин,
Сарв кадди бемисолингни нихон тут халқдин,
Мохитобоним, жамолингни нихон тут халқдин,
Шамъи янглиг дийдаларни килма гирён кечаси.
Дарс олур ушшок эли хар дам китоби зулфидан,

Етмасин деб кахр кўнглимга итоби зулфидан,
Шул сабаб диллар паришон инкилоби зулфидан,
Ламъайи рухсори зохирдир никоби зулфидан,
Гарчи бўлмайдир куёш чикмокка имкон кечаси.
Йўлларинг узра сочилмишдир кўзимнинг гавхари,
Тан колиб кетгай изингдан жону кўнглим илагри,
Не ажабки, йўлларингга кўзларим боккан сари,
Кундузи харчанд пинхонсан кўзимдан, эй пари,
Ой юзингни мен гарибдан килма пинхон кечаси.
Бўлмадим хушнуд хеч дилдор бирла май ичиб,
Лоларанг юз, кўзлари хуммор бирла май ичиб,
Аклим олган ул шакар гуфтор бирла май ичиб,
Субҳидам то шом сен агёр бирла май ичиб,
Мен килурман кўзларимдан гавхарафшон кечаси.
Кўкда юлдузлар эмас, у танда коним ўтидин,
Шул сабаб осмон чакин чакмиш баёним ўтидин,
Комил ишким Чарх даврида нишоним ўтидин,
Сурмасо, бахтим каро бўлди фигоним ўтидин,
Элга кўпрок зохир ўлди лек афгон кечаси.
1963 йил.

НИШОН БЕРСА

Кўнгил шод ўлгуси ўз тинчидан дўстлар нишон берса,
Этар кўкларда парвоз ким севиб каптарга дон берса,
Чикарми яхшилик хеч бир ёмонга яхши ён берса,
Унар ер багридин гул ерга ким оби равон берса,
Курук кўймайди богим парваришни богбон берса.
Кетишни истамас куш яшнаган осуда маскандан,
Муаттар бўй таратган гуллари озода гулшандан,
Чикар мехнатга гайрат иш севар хар битта сог тандан,
Хаёт устози таълим бергуси хар кимга хар фандан,
Билимда шухрат олгай кимки аъло имтихон берса.
Килиб халкингга хизмат яхши ном колдир садокатда,
Бўлиб аҳдингга содик, номусингни сакла хурматда.
Расолар олдида сен ошма хаддингдан ниҳоятда,
Узатса чўпни дўстинг, ол кўзингга суртиб албатта,
Кўлидан олма олтин, багри гар бир бадгумон берса.
Жафокаш кутса ёрдам дардига мехринг-ла малхам бўл,
Йўлингдан чикса гар ков парчалаб от, кайтма, бардам бўл,
Олу олдирма асло, хар бир ишда пухта, илдам бўл,
Гаразсиз, ориятли дўст топиб ўлгунча хамдам бўл,
Кишига миннат этмас кимга у бир бурда нон берса.
Топар инсон камолат бу улуг дўстлик ахилликдан,
Кўкармас боги асло зарра китмирлик, бахилликдан.
Чиройли яхши турмуш хам ахиллик, хам асилликдан,

Хамон якдил бўлу калбингни сакла хилма-хилликдан.
Ишонма душманинг макри-ла сенга минг жахон берса.
Бировлар мулкани топташ эмас инсонга сарварлик,
Тилида хайрихоху дилда эрса бошка рахбарлик.
Хакикат гар юракка бермагай харгиз мукаррарлик,
Кишига бахт эмас номард ила дўсту биродарлик,
Саодат шул эрур мард олдида мардона жон берса.
Ўкиб одобни ўрган элни севган жонажон элдан,
Талаб айла вафони кўнгли юмшок меҳрибон элдан,
Адолат хукмин ижро айлагувчи қахрамон элдан,
Саодат нури порлок бахт яратган пахлавон элдан,
Қабул этма кўлингга багри тош гавхар нишон берса.
1958 йил.

УВАЙСИЙГА МУХАММАС

Фидо жоним сенингдек дилбари ширин суҳан ёра,
Мудом кўнглим куши кўйинг хавоси узра сайёра,
Кезиб оламини хижрон дардига топдим бугун чора,
Забонингни кетурдил э шакарлаб тўти гуфтора,
Нечукким марҳамат бўлсин менингдек ошики зора.
Маломат этсалар холимга айб эрмас жахон ахли,
Гамим йўк дилда розим сўргали сен меҳрибон ахли,
Умид остонининг мажнуни мен ҳам посбон ахли,
Мени “Лоядхулу” деб махрум этма богбон ахли,
Азал дехкони багрим конини сочмиш бу гулзора.
Жамолинг кўрган ошиқларни йўк кўнглида ҳеч армон,
Керакмас хуру жаннат гул юзинг олдида, эй жонон,
Хуморим хаддан ошди маст булбулдек чекиб афгон,
Дариг этма, харобат ахли деб, э сокийи даврон,
Паёнай тут қадаҳни ташналаб ўлган бу хуммора.
Тиларман бодаи васлинг муҳаббат соридин доим.
Машоми калбима бўйи қарам гулзоридин доим.
Тутар кўз вола Чархий ваъдаи дийдоридин доим,
Увайсий юз жафо кўрсанг хакикат ёридин доим,
Ўғирма юзни, ондин солма кўзни ўзгаша дилдора.
1926 йил.

ТУТУРИКСИЗ БИР ШОИР ХАКИДА

Шоир ўртоқ аввало сиз дилга завк-шавк пайдо қилинг,
Сўнгра чин сўзни тўкинг мазмунларин зебо қилинг,
Копия танг келса ҳам дилни оқар дарё қилинг,
Бир йигирма қирк хунар оз ҳаммасин аъло қилинг,
Айб эмас бир сурнай олиб, совти насрулло қилинг.
Шеър бошвоксиз чавандоз от эмас анжом эмас,

Тўрт метрли латтадан ташлаб олур эхром эмас,
Магзи пуч мехмонга савлат бергувчи бодом эмас,
Ёки ёз ёмгури бирлан лола очган том эмас,
Халкимизга пухта манзур булгудек совга килинг.
Шоир ахли кўча куйда юрмагай маъжун сотиб,
Ноўрин даъвони алдар халтасидан ранг сотиб,
Хар кадамда афсус олиб ўрнига аттанг сотиб,
Хамма гап сотганда сиз хам сўзни тору танг сотиб,
Растандан майли дўкон топиб газал савдо килинг.
Уста кўрмай усталик даъвосин этмай пешасин,
Билмайин ўрманг тегирмонга жувозкаш тешасин,
Рандалашда хўл ёгоч тобин билинг андишасин,
Сурканиб хар ёнга синдирманг мухаббат шишасин,
Обрў даркор эса хар жойда истигно килинг.
Гарчи истеъдодли дехкон бўлса хам айлаб адаб,
У Миришкор багбондин тажриба айлар талаб,
Ховликишни паккаси бор кийнаманг сочни тараб,
Шоти кўймай томга интилган колур лабни ялаб,
Мисли мехнат бирла ишланг кип-кизил тилло килинг.
Кўринур огир табиат сувга тўлдирган челак,
Чек сўзсиз савлатидан ҳеч писанд этмас элак,
Тут билан комат талошиб мевасиз колди терак,
Шул сабаб сал пал узангудан тушинг бўлса юрак,
Элму хилму камтаринлик шевасин барпо килинг.
Жамият калби гулистону хакикат манзили ,
Халк назаргохида доим тургуси шоир дили,
Кимки адобила сўз дер синмагай харгиз бели,
Обжўвоз пойкўпи эрмас поймо по ўрса кели,
Сизга бу дўстона пандим хохи килманг хох килинг.

ДУМАЛОК ЖОНКУЯР, ЮМАЛОК ИМЗО

Табиат олами ёктирмаса хам,
Йўликар баъзи бир мушкул муаммо.
Инсонлик шарафин доглатган, яъни
Бир гурух муттахам, бир замбар игво.
Думалок жонкуяр, юмалок имзо.
Синчалак максоди хар шохни чоғлар,
Зиндалак нафсини хар кимга боглар,
Кўрнамак мушукдек томогин ёғлар,
Тухматдан ёшларнинг шаънини доғлар,
Думалок жонкуяр, юмалок имзо.
Бадгумон, бадзабон, бадтарин киши,
Муттахам согни хам захарлар ниши,
Суллохлик хунари, игводир иши.
Фитначи, писмикдир, юз эмас меши,

Думалок жонкуяр, юмалок имзо.
Адреси номаълум, фасоди ошкор,
Номаълум эмас у манфур, бадкирдор.
Умрига икрору, эркига инкор,
Халк ундан норизо, ватан хам безор,
Думалок жонкуяр, юмалок имзо.
Суркама бировга юзингни догин,
Шўрлатма кадрлар яшнатган богин,
Тортгунча кишининг тутиб оёгин,
Бир ургин нафсингга ботинканг жогин.
Думалок жонкуяр, юмалок имзо.
Варагинг тўлганда, хатинг секинлар,
Варагинг бузилса, уради жинлар.
Магзава максумлар, иши хуржунлар,
Бурчак-бурчаклардан нони текинлар,
Думалок жонкуяр, юмалок имзо.
Йўкотгин игвони, кутул нафратдан,
Сен билгил, инсонлик кадри меҳнатдан,
Асрасанг ўзингни бу хил иллатдан,
Улуш хам оласан обрў, хурматдан,
Думалок жонкуяр, юмалок имзо.

БИР КЎПОЛ ВРАЧГА

Афсуски, фалакнинг гардиши-ла,
Бемор юрагимнинг ташвиши-ла,
Келдим шу кўнгилнинг хохиши-ла,
Урдинг бу юракка сўз ниши-ла,
Йўкса дилима мадор бўлардинг.
Ўз кадрини билмаган бадахлок,
Чаккай кишилар бошида ёнгок,
Боккай киши суратига ахмок,
Суратга тикилма, калбига бок,
Йўк бўлмас эдингу бор бўлардинг.
Аввалига замона танда эрди,
Бир бандага неча банда эрди,
Сенга бу сўзим писанда эрди.
Инсон сени тугмаганда эрди,
Думлик бакаларга ёр бўлардинг.
Инсоний сифат кишин камоли,
Хайвоний муомала заволи,
Йўк эрди танимни ҳеч мажоли,
Бўлсанг эди хушсухан, хаёли,
Бир сохиби эътибор бўлардинг.
Дардманд киши арзини эшитсанг,
Яхши сўз ила дилин эритсанг,

Лаънат сенга дер кишин безитсанг,
Совук нафасингни сал илитсанг,
Киш бўлмас эдинг, бахор бўлардинг.
Химмат камарин боғласангди,
Хизматга ўзингни чоғласангди,
Кимсан десангу сўроғласангди,
Уч кунгина сабр айласангди,
Инсонлиги ошкор бўлардинг.
Даврим кенг ҳуқуқни сенга берди,
Эркиннга хавою сув етурди,
Бахт бирла ширин хаёт кутурди,
Икбол юзин очмаганда эрди,
То ўлгунча хор-зор бўлардинг.
Кобил врач эътибори бўлсанг,
Ахлоқу одобни ёри бўлсанг,
Бемор дилини мадори бўлсанг,
Чархий каби эл катори бўлсанг,
Бир камтару хушвикор бўлардинг.
1970 йил.

ИДОРАДАМАН

(Бир бюрократ бухгалтерга дуч келиб, иши битмай сарсон бўлган киши тилидан)
Бир-икки йилки, бир ишга ажаб оворадаман,
Гахи тобокда колурман, гахи тогорадаман,
Гахи наводан ўтиб, най билан суворадаман,
Бухгалтер ила битар деб ишим бу борадаман.
Кўлимда хар куни бир арзаю, идорадаман.
Илик узилди махалда бир оз толган эдим,
Мен ҳам бўйинни кишидан жуда уёлган эдим,
Нетай, на чора, таноби бўшаб чувалган эдим,
Бор эди хожатиму карзга бир узалган эдим,
Бу карз копига хуржун ямаб, суворадаман.
На бўлди, бир нима етмай, хисоб чатоклашди,
Кўнгил хира, жуда бошдан хушум узоклашди,
Менинг билан кира ёв пул томон иноклашди,
Уришмади, лекину чўнтагимни коклашди.
Бу мушкулимни ечишда топурга чорадаман.
Наинки бир йил ўтиб ҳам жавоб: "Эрта келинг",
Дедимки, айлама бундай хуноб эрта келинг,
Дедики, иш бугун кўп, шитоб эрта келинг,
Дедим, тугарми хисобу китоб эрта келинг,
Мен ҳам бу эрта келингдан чўчиб, канорадаман.
Биров кўшиб еса кўйса, бирор хуришми эдим,
Жиримни кирса-ю олса, мўмай улушми эдим,
Илинсаму тузогига туширса кушми эдим,

Пайики тулки етолмас баланд канорадаман.
Ёронлар, учраса айтинг, бу не бало демасин,
Ўзини оку, бировни сира каро демасин,
Хамиша бюрократлик килур вафо демасин,
Бу ерда мартабам ортик, казо-казо демасин,
Бу хажв сурнагим эрса, яна нагорадаман.

БЕЗОРИГА

Яхшига ёндашсанг аввал, наросо бўлмас эдинг,
Норасодан юз ўгирсанг, бевафо бўлмас эдинг,
Занглаган макрух козондек коп-каро бўлмас эдинг,
Бангу кўкнору арокка мубтало бўлмас эдинг,
Беадаб, беюз бундай беҳаё бўлмас эдинг.
Овладинг хар лукмани безорилик кармогида,
Улфатинг кузгун эди-: кездинг “Маишат” богида,
Гох улар шох узра сен юрдинг дарахт япрогида,
Онаи зор тугмайди билса тулгок чогида,
Зимзиё бўлснгни, бошига бало бўлмас эдинг.
Мард киши мардлик нишони меҳнати деб айтдилар,
Меҳнати-асло туганмас шухрати деб айтдилар,
Меҳрибонлик шеваси ўз иззати деб айтдилар,
Орият инсоннинг олий хислати деб айтдилар,
Сўзни ўксанг, ушбу кулфатга раво бўлмас эдинг.
Сен ёмонларнинг бузук кирдорига ёндашмасанг,
Элга ноҳак жабр ила озорига ёндашмасанг,
Хавфли хидлар анкиган гуфторига ёндашмасанг,
Ок падар хилватнишин безорига ёндашмасанг,
Бетайин, бемаслагу бемуддао бўлмас эдинг.
Юзкарлар сухбатида турмайин жилсанг эди,
Окибат шармандаликлар догани билсанг эди,
Дард кучаймасдан даво сорига кайрилсанг эди,
Неча-неча дакки еб, инсофга бир келсанг эди,
Яхши фарзанд, оилангдан ҳам жудо бўлмас эдинг.
Сен каби ёшлар билимдон маърифат бўстонида,
Хар бирин оламча фикри мардлар майдонида,
Олмадинг ибрат улардан бу хаёт уммонида,
Бўлсанг эрди тарбиятда яхши инсон сониди,
Ору номусдан бу янглиг мосиво бўлмас эдинг.
Бўлмади харгиз касофат гафлатингдан уйготиб,
Тепса тебранмас балога учрагансан гап сотиб,
Билмайин текканни силтиб, тегмаганга тош отиб,
Юрмасангди хар тавокдан бу текин деб туз тотиб,
Соврилиб кунда сазовори жазо бўлмас эдинг.
Баъзи беномус аёллар сен билан паймон такиб,
Кўлда иблис сози, бошга чамбарак каскон такиб,

Макрилла бўйнингга “сиртмок” солдилар “маржон” такиб,
Сен агарда юрмасанг ит искаган райхон такиб,
Уй бузар, кўнгил бузарга махлиё бўлмас эдинг.
Элдан ажралган неча мардуд шумлардан кочиб,
Изгиган шиллар, захар, чиркин удумлардан кочиб,
Эскилик чилдирмасин чалгучи думлардан кочиб,
Юрсанг эрди шаъни ифлос, номи гумлардан кочиб,
Ичмаган сув, емаган ошга гувоҳ бўлмас эдинг.
Қилмишингдан сен бугун суд олдида мулзам бўлиб,
Ўлтирибсан юз эса шалгам, бошинг-чи ҳам бўлиб,
Эт-этингни тирнамоқда ютган ошинг гам бўлиб,
Хукм этишди адл ила одил кишилар жам бўлиб,
Хайф ёшлик чоги махкуми казо бўлмас эдинг.

ПУЛ ЎЛСИНА-ПУЛ ЎЛСИН!

(Чархий газалига Собир Абдулла мухаммаси)

Пулдан чикар гавголар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Пасту баланд даъволар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Яхши ёмон маънолар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Пул деб окар дарёлар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Огдар тўнтар дунёлар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Биров бир пул билан шод,
Бирови мотамсаро,
Биров бунга мубтало,
Биров унга мубтало.
Пул кўп бўлса, бир бало,
Пул оз бўлса, бир бало,
Кўлга келтирган дунё,
Усти асалдир, аммо
Таъми зуккум халволар!
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Пулсизмисан, эй дўстим?
Дўстлар келмас кошингга?...
Узок бўлиб туйилдинг
Якин кариндошингга!
Агар пулинг кўп бўлса,
Хеч ким тегмай гашингга,
Назар солмай ёшингга,
Чиқиб олиб бошингга,
Солар не-не савдолар!

Пул ўлсина-пул ўлсин!
Пулсизга:-Чикинг-чикинг,
Пулликка:-Кириг-кириг,
Пулсиз дўстни кидирманг,
Пуллик дўстни кидиринг,
Пулсизга гириг-пиринг,
Пулликка хиринг-хиринг,
“Дунё харом!” деганнинг
дардидир муллажиринг,
Кумуш кубба асолар!
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Текин пул кўп кай ерда:
Кўнгил бошлар шу ёкка,
Гунажинлар кўз сузмас
Пулсиз новвос бузokka,
Хамён агар кок бўлса:
Кирмайди сўз кулокка,
Кетолмасдан узokka,
Пул деб тушар тузokka,
Енгил-елпи “Лайло”лар!
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Баъзи пуллар бўлгайки,
Оро кирар кўп жонга,
Баъзи пуллар бўлгайки,
Жонни олар нишонга,
Ачинасан, афсус еб,
Баъзи кизу жувонга,
Учиб ёлгон виждонга,
Тушар аблах инсонга
Нозик адо, шахлолар!
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Юз борма-ю, бир бор бор
Ўзинг килма овора,
Иш битмайди, юз ёлбор,
Юрагинг кил юзпора,
Иш битару ёгар кор,
Кўлинг да бўлса пора,
Сен эмас, пулинг даркор,
Эй, содда дил, бечора.
“Дардинг” топар даволар,
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Ракс арзон, ялла сероб,
Кистиргувчи кўп бўлса,
“Репертуар” шунга боп,
Кистиргувчи кўп бўлса,
Серпул тўйни истаб топ:

Кистиргувчи кўп бўлса,
Буни ташлаб, унга чоп:
Кистиргувчи кўп бўлса,
Эй, “отар”чи шайдолар!
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Кам куюди сувни хам,
Хатто “газ вода” фуруш
Хўмрайиб “таксис” акам:
Бермасанг-жанжал, уриш,
“Нон кўпмаса” ема гам,
пул унга хамиртируш,
Ўлтиролмаи хотиржам.
Пул дардида югуриш,
Кўп хуржунсиз “гадолар”!
Пул ўлсина-пул ўлсин!
Мехнатсиз тўпланган пул:
Хавфу хатар кўзгайди,
Собирнинг истаги шул:
Халолидан бўлсайди,
Нашриёт топиб маъкул,
Гонорарлар кулсайди,
Пулсиз хаёт бўлмайди,
Аммо хуржун тўлмайди,
Чархий ёзар иншолар:
Пул ўлсина-пул ўлсин!

ФАРГОНА ПАХТАКОРИ

Гуллаган диёримнинг ифтихори – Фаргона,
Яшнаган шу гулшаннинг гулбахори – Фаргона.
Тўла нозу неъматли мевазори – Фаргона,
Мехнату махоратда жон нисори - Фаргона.
Баркамол буюк сафнинг тенг катори - Фаргона.
Сувлари шифобахшу соф хавоси-ла машхур,
Нефту олтин у пилла, атласи билан манзур,
Хар тараф чарогондир, водийларда порлаб нур,
Тинч хаётдан доим бахраманд элим масрур,
Ўзгача “ок олтин”га эътибори, Фаргона.
Келди келмаган нурлар канча шахру кишлокка,
Етди етмаган сувлар ташна чўлу тупрокка.
Дарёлар жоловланди, урмас энди киргокка,
Кўю мол тўйиб ўтга, тўлди суту каймокка.
Кун сайин ривожланди чорвадори, Фаргона.
Тер тўкиб бахор, ёзи неча марди майдонлар,
Киз-жувонлар, ўғлонлар, кексалар, кадрдонлар,
Сиз билан чаман бўлди дашт билан биёбонлар,

Маррага етиб хосил, юз ёруг, йўк армонлар,
Кахрамон баходирлар хур диёри, Фаргона.
Шу улугвор ишларни айлаган кадрдон халк,
Донг таратган оламга кудрати намоён халк,
Кўнгли кўнглига пайванд, бир-бирига дармон халк,
Ваъдаю карори бир, чунки тоза виждон халк,
Минг яшаб камол топсин пахтакори, Фаргона.
1963 йил.

ЎЛКАМ

Яшаш бизга сенинг кўйнингда рохат, жонажон ўлкам,
Ватан багрида бир кўркам чаманзор, меҳрибон ўлкам.
Енгилмас, жангда голиб, мард ўгилларга макон ўлкам,
Хисобсиз пахта майдонинг ўсар, олтинга кон ўлкам,
Фидокорлик билан ишлаб, кетирдик сенга шон, ўлкам.
Илмнинг равнаки, эл дўстлиги меҳру вафолардан,
Шифо етди танамга тоғларинг берган даволардан,
Кўз узмак мумкин эрмас кўзларим топган жилолардан,
Чарогон водийлар кўйнида хар кўркам бинолардан.
Яша, чўли гулистон, дашти боғу бўстон ўлкам.
Тоғиб файз хислатингдан одаму олам тутар ёдинг,
Киши икболига нурлар сочар хар кайси бунёдинг,
Унутмас шафкатингни парвариш топган хур авлодинг,
Ширин сувларни казган чарчамай багрингда фарходинг,
Бугун кўксига такди, офарин, олий нишон ўлкам.
Асрлар какраган чўл багрига оби равон келди,
Хазон, пажмурда бўлган лола-ю, гулларга кон келди.
Мукимий, Завкий, Фуркат истаган олий замон келди,
Хасад килгувчилвр олдингда ожиз, нотавон келди,
Каратдинг шухратинг-ла барчани бизлар томон, ўлкам.
Юракка накш этилди акси гулзор, бог-рогингни,
Танамдан тапти кетмас умрбод кайнок кучогингни,
Умр гулзорига келди баҳор дейман бу чогингни,
Юрак орзуси шулки, кўрмайин ҳеч зарра догингни,
Саодат кўйнида доим яша, бўлгин омон ўлкам.

МУКИМИЙНИ ХОТИРЛАБ

Эй, шоир элин зубдаи даврони, Мукимий,
Жон булбулининг калби, гулистони, Мукимий,
Хакконий кўнгилларнинг азиз жони, Мукимий,
Мушток хамма дил шамъи шабистони, Мукимий,
Озод элимиз фаҳри шараф-шони, Мукимий,
Ўт сочди зулм даврига ижоду овозинг,
Мазлум фуқаро хамдам ўлиб муниси розинг,

Эл истагига жўр эди дил лавхида созинг,
Энди абадий асрагувси халк баёзинг,
Зебо асаринг даврнинг девони, Мукимий.
Зикринг хамма дам суҳбату базми шуародир,
Ёдинг яна дил завкига кўшмоқда жилодир,
Бу бизнинг хаёт истагани сидку сафодир,
Авлодинг учун колса бу мероси раводир,
Эл калби хакикат дурининг кони, Мукимий.
Ёдинг кечаси сўхбату кенгошларинг хам,
Жам бўлди бутун кавму кариндошларинг хам,
Тайёр бу зиёфатда ширин ошларинг хам,
Обидча, Гарибий ила Йўлдошларинг хам,
Бизлар дейишур эски кадрдони, Мукимий.
1949 йил.

НИГОР СЕН

Ноз офарин пари сену, ширин нигор сен,
Гўё латофат олами, хусни баҳор сен.
Кўнглим баҳори сен, чаман-у лолазор сен,
Лутфу карамда мархамати бешумор сен,
Холий дилимга айла бугун эътибор сен.
Ойнаи жамолинг эрур богу гулшаним,
Шоми алам кетар сен ила, кетмас равшаним,
Токай ёнар гамингда куйиб жон ила таним,
Сен бирла жон карори-ю, обод масканим,
Бор демадинг кел, ошики маъюсзор сен.
Сахро юзи чаман-чаману, бог-рог ажиб,
Гул шохида тараннум этар шод андалиб,
Хушдур хаёти бўлса висол жомидан насиб,
Сенсан умр чироги, юрак дардига , табиб,
Пинхон сиримни айламагил ошкор сен.
Андуху гам ўтиб бугун, айёми навбахор,
Сайри чаман килурга гулим, айла ихтиёр,
Ташрифингга ёзурда паёндоз лолазор,
Кел-кел вафоли жон севарим, Чархинг интизор,
Мен бад хумора бир кара, кўзи хумор сен.
1935 йил.

МУХАММАСИ ЧАРХИЙ БАР ГАЗАЛИ НУСРАТ

Мавж урмаса дилики у дарё бўлармиди,
Кўнглида ишк оташи пайдо бўлармиди,
Дарду мухаббат бўлмаса шайдо бўлармиди,
Дил кўзгусида ёр хувайдо бўлармиди,
Хар гул очилгани билан раъно бўлармиди.

Колдирмаса киши жахонда хуш сифотини,
Мазмун билан бойитмаса кўнгил бисотини
Тўти бўлурму зог бўяб икки канотини,
Лайло кўйилгани билан хар кимнинг отини
Юз минг карашма ноз ила Лайло булармиди.
Тут сарнагун ўлан каби шомшод олдида
Хусрав забони гунг эди Фарход олдида,
Вайрона ҳам хижил янги бунёд олдида
Хар беҳирад кириб дўкон устод олдида
Асбоб ушлаган билан усто бўлармиди.
Ким бериёзат истаса хар муддао хато
Хар касбу хар умид машаккат била бажо,
Хар шохга бир кўниб, неча бемаънию садо
Гулшанда айласинки минг тил билан наво,
Жинкарчадурки булбулигўё бўлармиди.
Одоб учун хаё била хар кимга сўзла сўз,
Сўз пардасини йиртма, эсанг сохиби рамўз
Оройишнинг ўзингга хаво билан кимга кўз.
Пардоз айлаган билан хушрўй бўларми юз.
Зохир ясатганинг билан зебо бўлармиди.
Инсон агарчи кобили нокобили хатар,
Худбину кажхаёл кишилардан алхазар
На элга холис, на иш сарбасар,
Тафтики анда бўлмаса пўлодин асар,
Охангга ишлаган билан бурро бўлармиди.
Мехнат била топар киши икболу бахтини,
Зое килурму ашрафи дехкон вақтини,
Хосил хазина бермаса ким кўлда накдини.
Парвариш айлаган билан олу дарахтини,
Богбонга они меваси хурмо бўлармиди.
Хар бир расодан ибрат олиб топгил обрў,
Доим халол кадамни кўйиб иста обрў
Чархий хаёт чашмасидан кониб ичди сув
Нусрат кўзингни очгину дилдан губорни юв,
Кетмай губори дил мусаффо бўлармиди.

ВАФОДОР ЭЛИМ

Вафодор элим кўп вафо килдилар,
Кўнгил кўзгусини сафо килдилар.
Ватан йўлида жон фидо килдилар,
Ажойиб бинолар бино килдилар,
Вафодорлардир, вафодорлар.
Бири кўкда сайёра юлдуз каби,
Бири Зухра, икболи феруз каби,
Бирин мехридан кеча кундуз каби,

Улуг халк бири кош, бири кўз каби,
Зафардорлардир, зафардорлар.
Бу гулшаннинг фаровон фарзандлари,
Мукаддас хаётнинг шакархандлари,
Баходир элим ёру пайвандлари,
Буюк халкимизнинг жигарбандлари,
Бу хушёрлардир, бу хушёрлар.
1962 йил.

ДЎСТИМ МАРХУМ СОБИР АБДУЛЛА ХОТИРАСИГА

Яна жудолик тушди танга: жон кетди.
Яна не кайгу эрур, йўлчи сорбон кетди.
Самимий дўст, садокатли меҳрибон кетди,
Ёнар чирок ҳам эди, фикри бир жахон кетди,
Ширинлик оламидан бир ширин забон кетди.
Хаётида яратиб неча гулшанни жаннат,
Шу жаннат ичра униб ниҳоли беминнат,
Асарларики унинг меваси эди шарбат...
Кани тафаккури равшан, халиму хушсухбат?
Кадрли ҳамдамим, афсус, жонажон кетди.
Не офат эрди унга захмати аламноки,
Сўкилди дард ила бевакт, эсиз, юрак чоки,
Ватан учун, Эл учун хизмат этди идроки,
Не тонг, шу хизматидан нурга тўлса чун хоки,
Вужуди файзу фарахбахш нуктадон кетди.
Киши на килгуси ахли вафодин айрилса,
Расолар ичра тагин бир расодин айрилса?
Тани шикаста нетарким, даводин айрилса?
Умр чирोगи ўчар, куш хаводин айрилса,
Учиб чаманнинг куши кайси ошён кетди?
Мухаббати ила ёзган хати-нишоналари,
Ракам чекарди тиник фикри одилоналари,
Фасохат ичра назмин дона-доналари,
Жахонда янграр абад ҳам ширин тароналари,
Нихоясиз асарин колдириб каён кетди?
Тасаввур айлар эди хар дами халоватини,
Ёзарди васфин укиб хур замон салобатини,
Бир ўйга толди, кечирди дакика соатини,
Согинди ё магар ул Собирим Саодатини,
Нихоят умри ўтдию беиён кетди.
Кани у калби куёш шоиру карамли нигоҳ?!
Кани хаётда мудом ҳамнафас азиз хамроҳ?!
Хамиша дўстларидан, Чархийё, бўлиб огоҳ,
Жахондин ўтди Ватан ўгли – Собир Абдуллох,
Ёмону яхшини хўп айлаб имтихон кетди.

1972 йил.

МУСАДДАСЛАР

КУТЛАЙМАН

(Хамшахаримиз халк артисти Наби Рахимовнинг 60 йиллик тўйига багишланади!)

Наби Рахим Кўкон шахрин фарзанди,
Киндик кони тўкилган бу Кўканди,
Сенсан ширин хаётимиз пайванди,
Чин юракдан шудир сўзим писанди,
Олтмиш баҳор умр ёзинг кутлайман!
Йиллар оша халк эъзозинг кутлайман!
Гар кўринсанг ойнаи жаҳонда,
Дил орзикиб кутар сени ҳар онда,
Ошар завку ҳавас ўти ҳар жонда,
Мезбон бўлсин, хохи бўлсин меҳмонда,
Ширин нутку чапандозинг кутлайман!
Олтмиш баҳор умр ёзинг кутлайман!
Босиб ўтган йўлда кеча-кундузлар,
Мадад берди устоз йўлчи юлдузлар,
Катта достурҳонда тотиб кўп тузлар.
Туз хакини оклаб ёругдур юзлар,
Дилбар сўзлар, дилновозинг кутлайман!
Олтмиш баҳор умр ёзинг кутлайман!
Нихолингга кўнолмади ҳеч бир зог,
Санъатингга туширмадинг ҳеч бир доғ,
Элинг хурсанд, дилинг хурсанд, вақтинг чоғ,
Сен халк десанг халким сенга ҳам мушток,
Юксак унвон-имтиёзинг кутлайман!
Олтмиш баҳор умр ёзинг кутлайман!
Нух умридан ҳеч бўлмасин умринг кам
Ёшлар билан бир каторда бўл бардам
Хаёт завкин доим кўрайлик баҳам
Кадрлади хизматингни шу юртим
Жаранглаган мангу созинг кутлайман
Олтмиш баҳор умр ёзинг кутлайман!

ПАХТАНИ ЧАККОН ТЕРИНГ!

Пахта очилди чаман,
Гунча кулиб завк билан,
Тухфасидир жону-тан,
Шавкати шону-Ватан,

Пахтани чаккон теринг,
Дўсту-кадрдон теринг!
Хамдаму, хамхоналар,
Тўлди садаф шоналар.
Хирмони дурдоналар,
Эй, оталар-оналар,
Химмати чаккон теринг,
Гайратингиз кон теринг!
Чарчамас ишчан билак,
Биздаги содик юрак,
Хаммада олий тилак,
Берди зафардан дарак,
Ўлка фаровон теринг!
Калби гулистон теринг!
Дангасага кўндаланг,
Кулкули, кўкнору, банг,
Ишга куёндир каранг,
Ош деса, гўё наханг,
Бермай унга ён теринг,
Катта кичик жон теринг!
Ким эса хуш интизом,
Ишда олур яхши ном.
Кимнинг иши бўлса хом,
Хайф калому-салом,
Мард шу майдон теринг!
Хилвату, базму, кабоб,
Бемаза мажлис, шароб,
Сал камисин хурду-хоб,
Куздами фурсат шитоб,
Сохиби виждон теринг,
Сиз дили шодон теринг!

САЛОМ, АНДИЖОН!

Таъзим ила сенга салом, Андижон,
Хурмат ила дўсти киром, Андижон,
Дўстлигимиз аҳди мудом, Андижон,
Ёд этамиз субх ила шом, Андижон,
Дилдаги пайваста калом Андижон,
Сенга садокатли паём, Андижон.
Бизга нахушдирки бу дорул омон,
Бўлди якин яъни йирок осмон,
Покиза юрт дўстлар учун ошён,
Шавк ила, табрик ила ахли Кўкон
Сенга салом йўллади, жон, Андижон,
Кадри баланд, пахтага кон, Андижон.

Давр кулоли пишириб хомини,
Битди кадах, тутди зафар жомини,
Кўрса хама бу улуг айёмини,
Субхи ёруг, нурга тўла шомини,
Дилга сурурбахш мудом Андижон,
Ахдига вобаста калом Андижон.
Шоиру санъат эли зулэхтиром,
Ахли хунар, хушсухану хушмаром,
Фазл элин олдида демак миму лом,
Сахнада раккосаси товус хиром,
Рутбада сен олиймаком, Андижон,
Эт яна шухратда давом, Андижон.
Янги замон калбига берди сурур,
Топди хаёт кўйнида онгу шуур,
Кимки халол меҳнату, унда-хузур,
Йилда ютук кучди, нур устига нур,
Хакли бугун этса гурур Андижон,
Топгани-дур, калбида-нур Андижон.
Бобир ўтиб бу ватанин догида,
Кетди ўзи, колди кўнгил богида,
Гурбат ила Хинд эли тупрогида,
Доги Ватан бирла юрар чогида:
“Ох,-деди,-сен, кайда чарог-Андижон!”,
Энди кетиб доги, булог- Андижон.
Нодира бу юртда тотиб ошини,
Кисмати-Хўжандда тўкиб ёшини,
Золим амир Наср кесиб бошини,
Отган эди элга жафо тошини,
Тарихинг ибратли чунон, Андижон,
Тиклади каддингни замон, Андижон,
Мунтазир эрди нафаси оташин,
Рамзда устод Хабибий якин,
Рахмати Махжур эди сўзи ширин,
Хамзанинг меърожида Комил Яшин,
Деса нахуш шахд забон Андижон,
Фикри баланд, таъби равон Андижон,
Мархум Анисий эди бир Улфати,
Сайфий-чапандоз, калам сархати,
Махжур ўтиб, колди унинг санъати,
Хуррам этар умр ширин соати,
Бўлди бу дийдор насиб, Андижон.
Дилга карийб, ёру хабиб Андижон.
Кўп яна кўксингда ижодкорлар,
Бу адабий анъанага ёрлар,
Наср ила, гох пайрави ашорлар,
Яхши шифокору бинокорлар,

Файзи фарахбахш диёр Андижон,
Багри бутун, калби бахор Андижон.
Бўлди бино илму адаб маскани,
Маърифати комил этар барчани,
Яъни навоий музейи гулшани,
Бўлгусидур дорилфунун махзани,
Сидк ила тўёнанг эрур, Андижон,
Кутлуг бу кошонанг эрур, Андижон.
Дил тилаги меҳр иладир то абад,
Завк ила калбингда сурур то абад,
Боги бахоринг яшарур то абад,
Чархий, бу шукрона, шукур то абад,
Бўлгин омон лафзи халол, Андижон,
Топ яна гайрат-ла камол, Андижон,

РУБОИЙЛАР

* * *

Шакардан шахд тузмак истасанг лафзи шакардан бўл,
Иши шойиста, доим ваъдаси чин мухтасардан бўл,
Хаёдан хилъати зебо кийиб хулкингга оро бер,
Либоси зарварак бу хусн эмас, мис бўлма зардан бўл.

* * *

Яхши сўзни эшит, амал айла,
Абадий хурматинг нишонаси шу.
Гар ушок нонни хам азиз тутсанг-
Шукри неъмат баланд погонаси шу.

* * *

Ким чучук тил ширин муомала у,
Халк тахсинига сазовордир,
Сифати соз мато каерда эса,
Жону дилдан хамма харидордир.

* * *

Яхши инсон сафида бўлмок учун,
Яхши бўл, яхширок, бахони кидир,
Иллатинг бўлса гар фасод йигилиб,
Дард кучаймай туриб давони кидир.

* * *

Катталик шул эрурки, дард колган
Кишиларга мадад кўлин чўзса,
Айб эрур баъзи бибисотлар,
Хуш бисоатга хам пулни чўзса.

* * *

Чин сўздан ўжар хамон тонармиш,
Ёлгонни ажабки, чин санармиш.
Юз минг калов остидан кўйингким,
Тентак ўти тепадан ёнармиш.
* * *

Хосид хасади-ла бахт тузалмас,
Минг макри-ла бахт уйин бузалмас.
Тиг захмини тортса, тан тазалгай,
Тилдан яраланса дил тузалмас.
* * *

Дўст бўлса киши, дардингга малхам бўлса,
Хох шолик алам чогида хамдам бўлса.
Бебода эмас сухбати ахбоб аммо
Юз-юзга тушар бўлса-ю, кам-кам бўлса,
* * *

Киз бўлса, ўгил бўлса, чин инсон бўлса,
Инсон сифати унда намоён бўлса,
Нокобил ўгил-киз аламин тортгунча, майли
Кўнгилда юз армон-пушаймон бўлса.
* * *

Юз шукр улуг даврада шодон бизлар,
Хамхона ахил барча кадрдон бизлар,
Тинч умр, ширин ўйю кўнгиллар хушнуд.
Оина кўнгил калби гулистон бизлар.
* * *

Бир турда эдинг кўзимга бултур,
Бу йил карасам бахона юз тур,
Не ваъдаки айладинг вафодан,
Лутфу карамингни кўрсатиб тур.
* * *

Богбон савати узумда кетди,
Йўк-йўк бу узум ўзимда кетди,
Гавхарга алишма ушбу дамни,
Дам ўтса агар у зумда кетди.
* * *

Фарзанд эсангиз, пандима иқрор айланг,
Ёшлиқда билим маърифатин ёр айланг.
Илму адабу шарм бу инсон хусни,
Бу хусн ила сиз ўзни намудор айланг.
* * *

Бир чўп ўтини йўк билади хас кадрин,
Нодон негаким дўстини билмас кадрин.
Сиз бўзчи дебон таъна ўкин ҳеч отманг,
Бўз бўлмаса ким билгуси атлас кадрин.
* * *

Илинма, нафс жиловин бурма хар кўзу кошга,

Кўнгилнинг ойнасин токи урмагин тошга.
Тилингни тебрата бер яхшилик сари, лекин
Ёмонга тил югуртириб бир куни ётар бошга.

* * *

Ким ўзин билса, бировларга дум бўлай демагай,
Балойи нафс кучайиб тезда гум бўлай демагай,
Ток экса ерига дехкон умид билан, токи
Узум бўлай дегай, аммо ўзим бўлай демагай.

* * *

Хуб бахтли замон, Давр ила даврон бўлди,
Мамнун хамма эл, ризк фаровон бўлди.
Исрофга ким урса кўлин шукр этмай,
У кайси сифат шаън ила инсоф бўлди.

* * *

Хар нарсани хам хадди бўлур, созиши бўлгай,
Ишқалмайин иш колса на ёзу киши бўлгай.
Ишкаладиму иш колди дебон ўйланаверсанг,
Жой ортида сен, тўрида шилким-киши бўлгай.

* * *

Дўст доим пўрсиши ахвол ётар,
Яхшилик дамларни сенга дол ётар.
Хурматингни хор этиб, афсуским,
Баъзи дўстлар суистеъмол ётар.

* * *

Дўстлар бирла чарогон уйларим,
Дўст базмида жаранглар куйларим.
Гохи бадкирдорлардан ранжисам,
Дўст ёдила мусаффо ўйларим.

* * *

Дўстлик меҳрин куёшга тенг, дедим,
Тенг сочар нурин, кучоги кенг, дедим,
Дўст ахдин шишасин синдирмаса,
Синдириб нон ярмини тенг, дедим.

* * *

Гамга чулганганда дунё: "Дўст", дер,
Чашмадан то мавжли дарё: "Дўст!"-дер
Учса дўст ёди билан озод куш,
Тор кафасда кумри хам "Ё дўст!"-дер.

* * *

Нодонга сўз уктирма пушаймон бўлгай,
Яхши сўз ила ким деди-инсон бўлгай,
Сўз гавхарин жойида сарф эт, чунки
Тўти шакарин зог еса армон бўлгай.

* * *

Еб ичса, факат ётса-у хайвон бўлди,
Виждону акл, фикр ила инсон бўлди.

Бир дўст учун дўсти хакикий шулким,
Дард колса, унинг дардига дармон бўлди.

* * *

Дўст меҳри ўлик танга тирик кон бўлгай,
Хар танда тирик кон эса дармон бўлгай.
Меҳнатга муҳаббат кетурур меҳр ила ихлос,
Меҳринг била чўл багри гулистон бўлгай.

* * *

Дўстлар калбин чирги ёнадур,
Жон куши доим унга парвонадир.
Яхшилик йиллар, замонлар кўрса хам,
Охким нодон у дўстдан тонадур.

* * *

Дўстликнинг чин муҳаббат шохиди,
Имтиёзи бирла хурмат шохиди.
Лутфи жонбахшу нигоҳи бегараз,
Дўст деб чеккан машаккат шохиди.
Она хақида
Она азизу муқаррам, она табаррук зот,
Хаёти неъмату бокий, каломи канту-новвот.
Начора солса жудоликни бу ўлим, дўстлар,
Сабрдан ўзга даво йўк, будур хаёту-нажот.

* * *

Хасадчига
Эй хосиди бадкина, бадахлок сенсан,
На элга яроғ сен жуда боткок сенсан.
Эл бахра олур эрди магар тош бўлсанг,
На сувсену, на бод, на тупрок сенсан.

ТЎРТЛИКЛАР

Яхши хислат билан умр узаюр,
Умр эмас, умр ўтса бехислат,
Десин эл яхши одатингни кўриб:
“сени туккан онангга минг раҳмат!”

* * *

Ким – чучук тил, ширин муомала, у-
Халк тахсинига сазовордир.
Сифати соз мато каерда эса,
Жону дилдан ҳамма харидордир.

МУСАММАН ДЕМАСИН

(мусамман)

Жон ўгил, кизлариму, шоввозим,
Кадамингизга гул поёндозим,
Сиз биландир фалакда парвозим,

Сиз менинг шеърларимда пардозим,
Сиз учун ёзилур кўпу, озим,
Фурсатида шуни демак лозим:
«Кимнинг ўгли? Эсиз-эсиз!...» демасин.
Гарчи ёшлик, оловга бўлмас мисол,
Яхши сўзлаш кишига бахт-икбол,
Шу керакдир, топишда кадру камол,
Жон болам, келмасин сўзларим малол,
Беамал бўлса олими сўзамол,
Шаънига кўп киши тўкийди макол:
«Эскирган, айниган кимиз!» демасин.
Кўрса Ким, сўз котиб, тажанг бўлманг,
Кичкириб, гап сотиб, даканг бўлманг,
Узилиб кетгудек таранг бўлманг,
Кадду коматфуруш, сатанг бўлманг,
Тингламай пандни, кар, гаранг бўлманг,
Ўжару, кайсару, саранг бўлманг,
Келса дуч, Кимса «бетамиз!» демасин.
Кадри бўлмас хамма мато «брак»ни,
Хулку одоб – асл хусн беаги,
Яхши киймок хаётимиз кераги,
Бўлса сочининг табиий жингалаги,
Чаккада гажжакнинг надир тилаги,
Ким йигит дер, буралса ок билаги,
Туппа тузик йигитни «киз!» демасин.
Бемахал кўчада тўзиб юради,
Бошқалар тинчлигини бузиб юради,
Жанжалу хархаша кўзиб юради,
Баъзида лой кечиб, сузиб юради,
Какшатишга «план тузиб» юради,
Шохи йўгу, ипни узиб юради,
«Гўшт эмас, ёг эмас, бу без!» демасин.
Яхши пардоз аёл учун зийнат,
Энг чиройли хаё билан иффат,
Ажабо, баъзи бир йигитга уят,
Такмагани исирга копти факат,
Сочи Мажмуннамо, кири кат-кат,
Учраганлар бўлиб тажанг, диккат,
«Намда колган бу хўл кигиз!» демасин.
Яхши фарзанд онани дог кўймас,
Назаридан ўзин фируг кўймас,
Бир кадам хам эса, чаток кўймас,
Бошканинг бахтига тузок кўймас,
Бахтга ноз айламас, думог кўймас,
Кўйса дог, барча унда сог кўймас,
«тентагу, окпадар, гализ!» демасин.

Сени олтин килур элинг назари,
Ким назардан колипти: йўл хатари,
Баъзилар бор, ажабки, кекса-кари,
Деса мумкин, отасининг падари,
Яхшиликнинг йўк унда ҳеч асари,
Тил учида сочиш захари,
«Ким учун бу бола азиз?» демасин,
Ота соз: ўкитар у ўглини соз,
Ўкимас бўлса , ким килур эъзоз,
Хайф унга калам билан коғоз,
Акли киска ва лек кадди дароз,
Гап сотар кўчада, ичиб оз-моз,

Ерни бир-бир босиб ажаб танноз,
Кўкрагига уриб у «биз!» демасин.
Энди Чархий сўзингни бас килгил,
Яхшиларни мудом хавас килгил,
Яхши деб, яхширок нафас килгил,
Таъриф у тавсифинг «запас» килгил,
Бошқалар ҳам ёмон демас килгил,
Сўзлашиб халк «пуч магиз!» демасин.